1. Қуш номларининг инсонга кўчиши. Ҳозирги немис тили сўзлашув нутқида кечаётган инновацион жараёнларда инсонни образли тасвирлаш учун қуш номларининг кўчма маънода ишлатилиши анча кенг тарқалган ҳодисадир. Das Küken [„жўжа“] сўзи гап ёш жувон ёки қиз, шунингдек, бўйи паст аёл ҳақида борганда ишлатилади. Бу сўз ёш, тажрибасиз киши маъносида ҳам қўлланади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Sie kamen alle, die lange Laternenreihe entlang, – Wally, die Schöne, blaß, schmal, elegant, Lina mit dem Holzbein, die stämmige Erna, Marion, das Küken... [11; 115].

Die Gans [“ғоз”] аёл тасвирида ишлатилади [“аҳмоқ” сўкиш сўзи; dumme Gans – “аҳмоқ”]: *Ihre Gänze! Wo ist das Geld?* [5; 194].

Der Papagei [“мўми”] сўзи ёрдамида нукул бошқаларнинг гапини такрорлаб юрадиган, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган, шунингдек, ҳаддан ташқари ғалати, дидсиз кийинган киши тасвирланади. Буюк немис ёзувчиси Э.М. Ремарк *der Kakadu* сўзини худди шу маънода қўллайди: *Ich gab ihm einen dekadenten Plattfuß zurück. Er mir einen Kakadu in der Mauser* [11; 57].

Der Pfau [“эркак товус”] сўзи орқали ўзига бино қўйган, мақтанчоқ киши тасвирланади [қиёсланг, *stolz (eitel) wie ein Pfau – “товусдек мағрур”*; “куркадек ишишниб кетган”]: *“Ich habe ihn mir heute von einem Schweizer Honorar gekauft”, erwiderte ich mit der Bescheidenheit eines Pfauen* [8; 443].

Метафорик кўчимнинг бу турига *die Spottdrossel [“мазахчи” – die Spottdrossel – қушининг номидан “мазахчи - қораялоқ”]* ва *die Schnapsdrossel [„ниёниста“]* сўзларининг қўлланиши мисол бўла олади: *Aber dich billige Spottdrossel will ich schon kriegen.* [6, 125]. *Trinken Sie einen Gedächtnisschluck auf die heimgefahrene Schnapsdrossel* [12; 91].

айниқса, 70-йиллардан бошлаб депрессорли присадкаларни нефтлар, дистиллятли ва колдик ёнилғилар учун ишлатиш долзарб бўлиб қолди. Тез орада шу нарса маълум бўлдики, мойларга депрессор сифатида ўзини яхши томондан кўрсатган присадкалар топилиб нефтга киритилганда, улар самарадорсиз ёки самарадорлиги паст бўлиб чиқди. Шундай қилиб, депрессорли присадкаларнинг ривожланиши уларни нефтлар, дизелли ва қозонхона ёнилғиларида ишлатиш йўналиши бўйича борапти. Қозонхона ёнилғиларининг ҳажми мойлар ишлаб чиқариш ҳажмидан бир неча марта кўп эканлигини ҳисобга олган ҳолда қўйиладиган асосий талаблардан бири ихтиро қилинаётган присадкаларнинг тежамлилиги ҳисобланади.

Полиметилметакрилатлар асосидаги присадкалар қўшилган дизель ёнилғилари ёнганида қолдик қолмаслиги, захарли эмаслиги, нефт маҳсулотларига кимёвий мойиллиги, кам учувчанлиги билан фарқ қилади.


Бундан ташқари, полиметилметакрилат присадкалар полимер присадкаларнинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилиб, полимеранологик ўзгаришлар синтезида кимёвий модификацияланишга енгил учрайди, бу, ўз навбатида, маҳсулотга янги, бебаҳо физик-кимёвий хоссаларни беради.

Қуйи молекуляр полиэтилен ва метилметакрилатни чокланган маҳсулотини гидроксиметилбензоксазолтион билан этирефикациялаб депрессор присадкалар синтез қилинди. “Шўртангаз” чиқиндиси полиэтиленни сода эритмасида қайнатиб тозаланди. Сўнгра қуйи молекуляр полиэтилен углерод (IV)-хлоридда эритилди, унга динитрилазоизомай кислотаси инциатори солиниб, 80 °С гача киздиргандан сўнг метилметакрилат солинди ва 5 соат давомида аралаштирилди. Ҳосил бўлган этанол ёрдамида чўктирилди, аралашма филтрлангандан сўнг доимий оғирликка келгунча 60 °С ҳароратда вакуум қуритиш шкафида қуритилди.

Ишлаб чиқарилган усулда полиметилметакрилат асосида олинган присадка (ПМП) дизель ёнилғиларининг қотиш ҳароратини пасайтириш учун ишлатилади ва технологик қурилмаларда ҳамда узатиш трубаларида юқори молекуляр бирикмалар қолдикларини ҳосил бўлишининг олдини олади.

Шундай қилиб, ПЭММАБОТ асосида синтез қилинган депрессор присадкаларни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, дизель ёнилғилари қотиш ҳарорати камайиши SAP 110 (Англия) маълум присадкага нисбатан 2,8 маротоба юқоридир (-28 °С). Аниқланишича, янги депрессор присадкалар паст ҳароратда қотиш тавсифини яхшилади, шунингдек, тайёрланган дизель ёнилғисининг физик-кимёвий ва техно-логик хоссалари Dst 9892001 стандарти талабларига тўла жавоб беради.

Дизель ёнилғисининг қотиш ҳароратининг ундаги композицион депрессор присадкалар билан боғлиқлиги графиги



Адабіётлар

1. Кулиев А.М. Химия и технология присадок к маслам и топливу. Л.: Химия, 1985. - 312 с.
2. Тертерян Р.А. Депрессорные присадки к нефти, топливу и маслам. М.: Химия, 1990. - 237 с.
3. Фозилов С.Ф., Ахмедова О.Б., Мавлонов Ш.Б., Сайдахмедов Ш.М., Хамидов Б.Н. Синтез и исследование свойств депрессорных присадок на основе гетероциклических эфиров полиметакриловых кислот. Узбекский журнал нефти и газа. - Т.: 2010. - № 4, - с. 41- 42.

РЕЗЮМЕ

Мақолада маҳаллий чиқинди ҳисобланган қуйи молекуляр полиэтилен ва метилметакрилатнинг чокланган маҳсулотини гидроксиметилбензок-сазолтион билан этерефикациялаб депрессор присадкалар синтез қилинганлиги, бу эса депрессор присадкалар дизель ёнилғиларининг қотиш ҳароратини пайсайтирганлиги, ҳосил бўлган дизель ёнилғиси физик-кимёвий ва технологик хоссалари стандарти талабларига тўла жавоб бериши аниқланганлиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Синтезированы депрессорные присадки на основе отходов полиэтилена и метилметакрилата с последующей этерификацией гидроксиметилбензол-сазолтиона. Выявлено, что новые депрессорные присадки обладают улучшенными низкотемпературными характеристиками застывания, а также физико-химическими и технологическими свойствами. Полученное дизельное топливо полностью отвечает требованиям стандарта.

Луғатлар

1. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –494 б.
2. Supplement to the Oxford English Dictionary // Ed. by R.W. Burchfield. Vol. Oxford: Clarendon Press, 1986. XXIV, 1410. –46 p.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инглиз тили сўз бирикмаларининг эстетик қиймати, тилнинг функционал моҳиятини белгиловчи ҳодисалардан бири сифатида объектив мавжуд бўлган воқелик сингари талқин этилади. Шунингдек, унинг ўзига хослиги матннинг умумий ғоясига мослашуви, бадий коммуникация талабларига жавоб бериши ҳамда, айти пайтда, тил тизимининг парадигматик, синтагматик ва деривацион қонуниятларига итоат этишига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилади. Тил бириклари тизимида муқим ўрин эгаллайдиган сўз бирикмалари ҳам ҳар қандай бошқа турдаги номинатив бириклар каби эстетик қийматга эга деган ғоя илгари сурилади.

РЕЗЮМЕ

Эстетическая ценность словосочетаний английского языка рассматриваются как объективное явление, определяющее функциональную сущность языка. Также, в статье исследуется своеобразие словосочетаний, их способность соответствовать общему значению текста, отвечать требованиям художественной коммуникации в рамках парадигматических, синтагматических и деривационных закономерностях языковой системы. Выдвигается идея, что словосочетания, как и остальные номинативные единицы в языковой системе, владеют эстетической ценностью.

SUMMARY

Esthetic value of the English phrases are analyzed as the objective phenomenon which clarifies the functional meaning of a language. Characteristic features of phrases, their ability to appropriate to the general meaning of a text, to obey to the paradigmatic, syntagmatic and derivational laws of the language system, to fit to the demands of fictional communication is also investigated in the article. The idea that the phrases have an esthetic value as the rest language units is put for the centre.

Наширға доц. С.Эгамбердиев тавсия этган

ҲОЗИРГИ НЕМИС ТИЛИДА МЕТАФОРИК КЎЧИМ АСОСИДА СЎЗДА ЯНГИ МАЪНО ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Ахмедов А.Б. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: сўзлашув нутқи, коллоквиал неологизм, сўз ясалиши, сўз маъносининг ўзгариши, метафорик кўчим, қуш номлари, ҳашарот номлари, ўсимлик номлари, жонсиз предмет номлари, мифологик мавжудот номлари.

Ҳозирги замон немис тили лексикасида кечаётган семантик-инновацион жараёнларнинг деривацион қонуниятларини ўрганиш, энг аввало, ички (соф немис тилидаги) ва ташқи (хорижий тиллардан

лишида идрок этади, деган хулосага келади [6: 91].

Энг асосийси, зид маъноли ва мантиқан мослашмайдиган сўзларнинг ягона бир номинатив бирлик – сўз бирикмаси таркибига бирикиши фақат поэтик асарлар матни билан чегараланмайди. Маълумки, бадий асарларнинг асосий мақсади ўқувчига таъсир ўтказишдир. Бу мақсадга эришиш эса муаллифдан матннинг прагматик “юки”ни оширувчи ифода воситаларини тўғри танлашни ва жўяли қўллашни талаб қилади. Шу мақсадни кўзлаган ижодкор сўз бирикмалари тузилишидаги семантик валентлик қондаларининг бузилишидан ҳам ижодкорона фойдаланади. Худди шу сабабга кўра “нормадан ташқари” бирикувларга бадий адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам мурожаат қилинади. У ёки бу ижодкор томонидан яратилган бу турдаги сўз бирикмалари бошқа матнларда ҳам такрорланиб туриши сабабли секин-аста нормага айлана бошлайди ва уларнинг маъносини англаш осонлашади. Бундан ташқари, *terribly smart, awfully beautiful, best enemy* каби баъзи сўз бирикмалари аста-секин оммавийлашиб оғзаки нутқда кенг миқёсда қўлланилади. Аммо улар ҳатто бу қўлланишда ҳам ўз функционал хусусиятларини йўқотмасдан, нутқнинг эмоционаллик бўёғини кучайтирадilar.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Никитин М.В. Лексическое значение в слове и словосочетании. - Владимир, 1974. - 222 с.
2. Никитин М.В. Лексическое значение слова (структура и комбинаторика). – М.: Высшая школа, 1983. – 127 с.
3. Арнольд И.В. Лексико-семантическое поле в языке и тематическая сетка текста//Текст как объект комплексного анализа в ВУЗе. – Л., 1984. – С.3-11.
4. Гальперин И.Р. О принципах семантического анализа стилистически маркированных отрезков текста. В кн.: Принципы и методы семантических исследований. –М.: Наука, 1976. – С. 267–290.
5. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Т.: Фан, 1988. – 121 с.
6. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Стилистика декодирования. 3-е изд. – М.: Просвещение, 1990. – 301 с.
7. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. – 92 б.
8. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. - 416 с.
9. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009. – 190 б.

Матнлар

1. Aldridge J.A. Captive in the Land. -London: Hamish Hamilton, 1992. -376p.
2. Bennett J. The Dragon's voyage. -London: Longman, 1999. -225 p.
3. Betjeman John. Collection of Poems. -London, 1979. -105 p.
4. British National Corpus. URL: <http://www.natcorp.ox.ac.uk>.
5. Bronte Ch. Jane Eyre. -Pengiun, 1994. -448 p.
6. Computers and Automation. -New York, 2008. -670 p.

SUMMARY

Is investigated structurally - mechanical properties zaguctok on a basis by polymeric compositions polyvinyl of spirit. The degree of fixing depends as on quantity(amount) of a printed paint, passing to a fabric, and from depth penetration in a fabric. Than the more printed paint passes to a fabric and the more deeply she(it) will penetrate in depth of a fabric, the above expected meaning(importance) of a degree of fixing.

Наируза доц. Л.Камолов тавсия этган

БИОЛОГИЯ

БИОЛОГИЯ ТЕРМИТОВ РОДА *ANACANTHOTERMES* JACOBSON, 1904 (ISOPTERA, NODOTERMITIDAE)

Абдуллаев И.И. (УрДУ)

Ключевые слова: *isoptera*, *нимфа*, *anacanthotermes*, *феромон*, *дифференциация термитов*, *имагинальная фаза*.

Термиты отряда *Isoptera* – мелкие или средней величины насекомые, обычно избегающие света и живущие семьями в специальных гнездах, устроенных в земле, древесине или построенных из особого картоноподобного материала. Как и у других общественных насекомых, население гнезда неоднородно. Термиты отличаются от общественных перепончатокрылых – *Hymenoptera*. Полиморфизм термитов развился на основе неполного превращения и распространяется, кроме вполне развитых имагинальных форм, также на особей с личинкоподобным обликом. В результате касты термитов более разнообразны и выражены резче, чем, например, у муравьев [3; с. 167, 4; с. 12, 9; с. 102, 11; с. 8.].

В процессе развития все термиты проходят несколько стадий, каждая из которых включает один или несколько возрастов, отделенных один от другого линьками. В итоге каждая особь принимает облик, характерный для определенной касты, специализированной морфологически и функционально. У половозрелых каст и солдат на этом развитие заканчивается. Рабочие же особи, образующие специализированную касту, обычно имеют несколько возрастов и у многих видов могут превращаться в солдат. Эта уникальная особенность кастовой дифференциации термитов – одно из следствий их неполного превращения [4; с. 138, 7; с. 234, 8; с. 11-12, 5; с. 45]

Покровы тела бескрылых форм термитов рода *Anacanthotermes*, как правило, тонкие и белые. У рабочих и солдат голова склеротизирована сильнее и окрашена в желтый или коричневый цвет. Окраска крылатых особей – светло-желтая.

В сформированном гнезде термитов находятся насекомые на всех стадиях развития. Обычно в семье, насчитывающей от сотен тысяч до миллионов особей, имеется одна самка – «царица» и оплодотворяющий ее самец – «царь». Они половозрелые, сбросившие крылья особи [12; с. 1468].

Жизнь термитов семьи начинается с расселительного лета. В условиях Узбекистана это происходит весной. В гнездах термитов *A. ahngerianus* и *A. turkestanicus* появляются крылатые особи, которые остаются в гнезде до весны [6; с. 610 – 611, 2; с. 11].

рикмаларини ҳосил қилиши турли стилистик мақсадларни кўзлайди. Бу турдаги сўз бирикмаларнинг стилистик мақсадда қўлланишини:

-It was not the depression of failure, but the depression of success гапи мисолида кузатган И.С.Азнаурова бундай бирикишнинг эстетик-эмоционал таъсири кучли эканлигини қайд этади [5: 65].

Ҳақиқатдан ҳам семантик номувофиқликдан стилистик мувофиқликка кўчиш ҳолатларининг ўрганилиши сўз бирикмалари эстетик вазибалари кўламини аниқлаш имкониятини кенгайтиради. Сўз бирикмалари деривацияси жараёнида мавжуд грамматик, лексик қоидаларнинг бузилиши, қабул қилинган нормадан узоқлашиши, одатда, оксюморон ходисасини юзага келтирувчи манба ҳисобланади. Сўз бирикмаларининг оксюморон кўринишида матнда қўлланиши юқорида келтирилган шеър таҳлилида кўрганимиздек, сўзловчи ёки ёзувчининг руҳий кечинмаларини, воқеликдаги қарама-қаршиликлар, мураккабликларни батафсил ҳамда ҳиссиётли баён қилиш шароитини туғдиради. Жумладан, севгининг яширин ҳиссиётли қарама-қаршиликларга бой эканлигидан зорланаётган Ромеонинг нутқини эслайлик:

O braving love! O loving hate!

O anything! Of nothing first create.

O heavy lightness! Serious vanity!

Misshapen chaos of well-seeming terms!

Кўринадики, Ромео нутқининг таъсир кучини ошириш учун В.Шекспир семантик-мантикий бирикиш нормасининг бузилиш намуналари бўлган сўз бирикмаларни биргина тўртликда қаторлаштириб териб чиққан. Оксюморон услуби сифатида қараладиган бу услуб персонаж руҳияти, севги можароларидан қанчалик даражада тўйганлигини (ёки руҳланаётганлигини) тасвирлаш билан боғлиқ прагматик мақсадни амалга оширишнинг йўлидир. Аммо *grief ago, best enemy, first friend, hot snow, sour rose, laughing grass, lined table* каби сўз бирикмалари оксюморонини шакллантириш доимий талаб эмас. Тил бирликларининг валентлик хусусиятларини ўзгартириш йўли билан метонимик бирикмалар ҳамда голофраза қурилмаларини ҳосил қилиш мумкин. Қиёсланг:

I will make a palace fit for you and me

Of green days in forest and blue days at sea (R.L. Stevenson).

Ушбу матн парчасида қўлланилаётган *green days* ва *blue days* сўз бирикмаларининг экспрессивликни ифодалаш қобилияти кучайиши сабаби дастлаб уларнинг шаклланишида семантик валентлик қоидаларига амал қилинмаганлигида бўлса, кейинги ўринда, синтактик муносабатларнинг билвосита кўринишида бўлиши билан изоҳланади, мантиқан *green* ва *blue* аффиксларининг тайёрлиги *forest* ёки *sea* компонентлари сари йўлланган бўлиши керак эди. Шу боис М.В.Арнольд ушбу голофраза усулидаги сўз бирикмаларни ўқувчи мантикий нормага риоя қилган ҳолда, *days in green forest* ва *days in blue at sea* тузи-

И.Р.Гальперин сингари машхур услубшунослар ҳам қайд этишган [3; 4: 267–290]. Бизнинг вазифамиз ушбу турдаги бирикмалар таркибидаги қисмлар маъноларининг бирикуви натижасида ассоциатив алоқалар доирасининг кенгайиши, семантик ифода имкониятларининг ўсишига қандай эришиш мумкинлигини кўрсатиб беришдир. Фикримизча, семантик имкониятларнинг бу йўсинда кенгайиши ушбу турдаги бирикмалар эстетик функциясининг бадиий матн мазмунини бойитишга қўшадиган ҳиссасини аниқлашга шароит яратади.

Сўз бирикмалари эстетик функциясининг бевосита воқеланиши самарасини яна бир ҳолатда кузатамиз. Юқорида келтирилган якунловчи жумланинг эмоционал таъсири ва экспрессивлик даражаси матнда яна бир тил бирлиги – *ancient woods of my blood* бирикмасининг қўлланиши билан оша боради. Бу бирикма воситасида шоир ўзининг ўтмишдаги аждодлари ҳам доимо мустақил меҳнат, ижод йўлидан борганликларига ишора қилмоқда. Шу кўринишдаги номутаносиб семантик бирикувларнинг экспрессив самараси, айниқса, поэтик асарларда юқори бўлишини таърифлаган М.В.Никитиннинг қайд қилишича, “Поэзияда мазмун танлови – поэтик матнда маънолар бирикуви (муносабати) мантикий нормаларининг бузилишидир” [2: 81]. Агар биз олим таклиф қилган таҳлил методидан фойдаланиб, юқоридаги сўз бирикманинг мазмун бўлақларини мантикий норма асосида жойлаштирсак, унда бу бирикма *woods of my ancient blood* кўринишини олган бўлар эди. Нарсалар ва уларнинг хусусиятларини аташ учун М.В.Никитин N символидан фойдаланишни тавсия қилган, унда биз қайта танлаган бирикма N₁ (*woods*) – N₂ (*ancient*) – N₃ (*blood*) кўринишига эга ва бу бирикманинг мантикий давомийлиги куйидагича бўлиши керак: N₁ (N₂ N₃). Аммо матндаги *ancient woods of my blood* бирикмаси қисмларининг семантик мослашуви бошқача: N₂ (N₁ N₃), чунки N₃ бўлаги (*blood*) синтактик жиҳатдан N₁ (*woods*) га тобедир, N₂ (*ancient*) эса N₁ ва N₃ ўртасидаги муносабатларни изоҳловчи элемент вазифасини ўтайди.

Юқорида келтирилган мантикий-семантик андозада тузилган сўз бирикмаларининг поэтик услубдаги нутқда кенг қўлланиши ушбу услуб семантик нормаларнинг эркинлашувига кенг йўл очиб бераётганлигидан воқиф этишини таъкидлаётган М.В.Никитин бундай сўз бирикмалар узул хусусиятга ҳам эга бўлишини ва улар нуткий фаолият тизимининг бошқа соҳаларида ҳам учрашини уқтиради [2: 82]. Масалан, *mad house, dead list, retired list, stone age* каби сўз бирикмалар мазмуни барчага таниш ҳамда қўлланиш кўлами кенг.

Бу турдаги сўз бирикмаларининг турли матнларда қўлланиш хусусиятлари семантик-прагматик таҳлили асосида уларнинг у ёки бу матн экспрессив, метасемиотик таъсир доирасининг кенгайиш даражасини аниқлаш имконияти туғилади. Ишонамизки, шу мундарижадаги экспрессив функция барча турдаги сўз бирикмаларига маълум даражада хосдир. Семантик жиҳатдан номувофик лексемаларнинг сўз би-

В благоприятный для лёта период в гнезде делаются отверстия, через которые вылетают крылатые термиты. Часто роящиеся термиты буквально кишат в воздухе. Когда встречаются крылатые самец и самка, они садятся и спариваются, причем у них тут же до самого основания обламываются крылья. В момент роения и после сбрасывания крыльев термиты беззащитны и их в массе склеивают насекомоядные птицы и хищные насекомые [1; с. 8].

Спаренные самцы и самки начинают готовить гнездо – термитник. Начало новой колонии закладывается вырыванием ямки в земле. После того, как ямка вырыта, в небольшой гнездовой камере самка откладывает немного яиц, из которых выходят личинки, похожие на бескрылых термитов. Маленьких личинок кормят родители. Когда личинок станет много и они подрастут, они сами добывают пищу. В дальнейшем, превратившиеся в рабочих молодые термиты обустривают гнездо и начинают кормить добываемой пищей отца и мать. Сначала из яиц выходят белые личинки, затем развиваются рабочие и солдаты, и только в больших гнездах появляются крылатые особи [6; с. 612].

По мере роста колонии заметно меняется самка. У нее атрофируется и крыловая мускулатура, и мускулатура конечностей, а также мускулатура ротовых частей – идет «обратное развитие». Несмотря на это, прогрессивно растет переполненное яйцами брюшко. Самка становится неподвижной. Она всецело зависит от кормящих ее рабочих особей. Она непрерывно откладывает яйца, а рабочие выкармливают личинок, превращающихся в новых рабочих. Самка рассматриваемых термитов выделяет вещества, слизываемые облизывающими ее рабочими особями. Эти вещества содержат феромоны, влияющие на развитие личинок [4; с. 87].

Плодовитость самки уникальна. У закаспийского термита (*A. ahngerianus*) «царица» за год откладывает от 4000 до 30150 яиц, а у туркестанского термита (*A. turkestanicus*) «царица» этот период откладывает 3010 – 21175 яиц. Продолжительность жизни самки исчисляется годами, а общая плодовитость – миллионами отложенных яиц.

Термиты рода *Anacanthotermes*, как и все известные группы отряда *Isoptera* - с неполным превращением. В их жизненных циклах прослеживаются несколько фаз и стадий развития, главные из них – личиночная и имагинальная.

Личиночная фаза включает личинок первой, второй и других стадий развития и нимф. Личинки представляют собой растущую и питающуюся стадию, часто морфологически сильно отличающуюся от имаго.

Нимфа дает начало развитию следующих форм термитов: рабочим, солдатам, царице, царю и крылатым самцам и самкам.

Взрослые особи, появившиеся в результате метаморфозы, составляют имагинальную фазу, которая предназначена для размножения и расселения. Способность к различной экологической специализации

личинки и взрослых насекомых позволяет осваивать более широкий спектр мест обитаний, что, вероятно, обеспечило биологический расцвет термитов. Усиление в жизненном цикле роли личинки по сравнению с имаго - общая тенденция эволюции термитов отряда *Isoptera*.

По уровню своей организации термиты относятся к высокоразвитым насекомым. Об этом могут свидетельствовать высокая степень интегративных способностей термитов и чрезвычайно богатый поведенческий репертуар, в значительной мере детерминированный генетически [10; с. 986]. Последнее наиболее ярко выражено и у общественных насекомых – термитов рода *Anacanthotermes* (сем. *Hodotermitidae*) с их кастами и разделением труда. Кастовость характерна, прежде всего, для сложно устроенных многолетних колоний термитов *Anacanthotermes*, где размножаются лишь немногие самцы и самки, а другие, стерильные, особи выполняют различные функции. Например, термиты-солдаты, с мощными мандибулами, не способные питаться самостоятельно, выполняют только функции охраны колонии одной семьи.

Основную, наиболее многочисленную массу семьи составляют рабочие особи, которые выполняют все основные функции - забота о яйцах и личинках, а также о царице, доставка и заготовка кормов и кормление. Совокупность выполнения кастами своих функциональных назначений и других обязанностей обеспечивают жизненные процессы семьи, сложившиеся в ходе эволюции термитов (рис. 1, 2.).




Рисунок-1

Схема цикла развития термитов рода *Anacanthotermes*: Л – личинки; Р – рабочие; С – солдаты; ПС – просалдоты; Н – нимфа; ♀♂ – царица и царь;.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИДА ЭСТЕТИК ҚИЙМАТ ТУШУНЧАСИ

Даниева М.Д. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: сўз бирикмаси, тенг алоқа, тобе алоқа, когнитив тилишунослик, матн, матн таҳлили, матн турлари, таҳлил компоненти, синтактик хусусият, лексик таҳлил, лисоний бирлик.

Тил бирликларининг эстетик қиймати, тилнинг функционал моҳиятини белгиловчи ҳодисалардан бири сифатида объектив мавжуд бўлган воқелиқдир. Шунга нисбатан сўз бирикмаси эстетик қиймат тил бирликларининг мазмун тузилишида аниқ ўрин эгаллайдиган семантик воқелиқ, алоҳида семантик-прагматик категория кўринишида талқин қилинишга лойиқдир. Унинг ўзига хослиги матннинг умумий ғоясига мослашуви, бадий коммуникация талабларига жавоб бериши ҳамда, айни пайтда, тил тизимининг парадигматик, синтагматик ва деривацион қонуниятларига итоат этишига боғлиқ. Тил бирликлари тизимида муқим ўрин эгаллайдиган сўз бирикмалари ҳам, ҳар қандай бошқа турдаги номинатив бирликлар каби, эстетик қийматга эга. Ушбу мақоламизда биз, етакчи семасиологларнинг фикрларига эргашган ҳолда, эстетик маънони сўз бирикмалари семантик структурасини бойитадиган ҳамда матн таркибида фаоллашадиган мазмуний ҳодисалар қаторига киритамиз. Бундай ёндашув, тадқиқотчиларни сўз бирикмаси маъносини маълум контекстларда вариантлашув қобилиятига эга бўлган, денотатив ҳамда коннотатив бўлақлар уйғунлигида шаклландиган ҳодиса сифатида қарашга ундайди [1: 27].

Маълумки, инглиз тили сўз бирикмалари тизимида *beggar prince, joyous alarms, lizards of remnance, goose-skin winter, furnished souls, tender stones, speaking silence, wrinkled truth* сингари тузилмалар учрайдики, уларнинг вазифавий майдони, ифода меъёри ва бажарадиган экспрессивлик функцияси ўзига хосдир. Ушбу турдаги сўз бирикмалари маъно хусусиятларини ёритган М.В.Никитин уларнинг семантик структурасида мантиқий номутаносиблик мавжудлигини, яъни маъно жиҳатидан номутаносиб семалар бирикаётганлигини таъкидлаб ўтади. Семаларнинг бундай номутаносиб бирикуви бадий матн таркибида уларнинг эстетик функцияси фаоллашувига ва шу йўсинда узатилаётган ахборот стилистик аҳамиятининг ошишига асос бўлади [2: 80-83].

М.В. Никитин махсус гуруҳга ажратган ва “ноимпликацион бирикмалар”, деб атаётган *loud noons, dreamy horses, sad joy, harmonious madness, living death, blue sound* каби тузилмалар семантик моҳиятини матн таҳлили кесимида қараш муҳимлигини И.В.Арнольд,

ҳам учратиш мумкин:

Гоҳида садоқатли
Дўстларинг қолиб бир ён,
Йўлин топиб, қўйнингга
Кириб олгайдир **илон** (Тафсир).

Демак, бадиий метафорик маъно поэтик образ яратиш учун ҳам хизмат қилади. Аслида поэтик лексика таркибида бўлмаган сўзлар метафорик маъноси билан поэтик қиймат касб этиши мумкин. Бундай ҳол Абдулла Орипов шеъроятида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Т.:Фан, 1990. –Б.18.
2. Кожин А.Н. Переносное употребление слова // Русский язык в школе. 1954. -№ 3. С.21.
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари: монография. –Т.: Фан, 1977. –Б.17.
4. Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964, -№ 4. –Б. 34-35.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 1-том. –М.:Русский язык, 1981. –434.

РЕЗЮМЕ

Мақолада А.Ориповнинг бадиий метафоралардан фойдаланиш маҳорати очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается мастерство А. Орипова в использовании художественной метафоры.

РЕЗЮМЕ

This article describes the skills A. Aripova to use artistic metaphors.

Наширға проф. Б.Менглиев тавсия этган



Рисунок-2.

Фрагменты цикла развития термитов рода *Anacanthotermes*:
А – царица; Б – личинки разных возрастов.

Таким образом, можно констатировать, что по особенностям биологии и фенологии термиты туркестанские и закаспийские мало чем отличаются и характеризуются общностью их развития в рамках рода *Anacanthotermes*. Однако, характер поселения колоний этих термитов значительно отличается. Поселения закаспийского термита отличаются по выпуклому округлому широкому холмику, по окраске почвы, несколько отличающейся от окружающего фона. Туркестанского термита можно обнаружить по земляным галереям, проложенным по стволикам и стеблям сухих кустарников в естественных экосистемах и лепкам в зданиях и сооружениях урбанизированных экосистем. В целом, в гнезде термитов, сформированных *A. turkestanicus* и *A. ahngerianus* отмечаются насекомые на всех стадиях развития, имеющие определенные морфологические признаки. Совокупность признаков рассматриваемых термитов может служить для их дифференциации.

Литература

1. Абдуллаев И.И. Биоэкологические особенности термитов Хорезмского оазиса и меры по предотвращению их вреда: Автореф. дис.канд. биол. наук. -Ташкент, 2002. –с. 22.
2. Абдуллаев И.И., Эшчанов Р.А., Нуржанов А.Н. Хоразм воҳасида туркистон термитининг (*Anacanthotermus turkestanicus* Jacob) мавсум бўйича термит жамоаси таркибининг ўзгариши ва фенологияси // Биология ва экологиянинг долзарб муаммолари. ЎзРФА Хоразм Маъмун академияси илмий ишлар тўплами. – Хива, 2001. - Б. 7- 8.
3. Гиляров М.С., Правдина Ф.Н. Жизнь животных. - Москва: Просвещение, 1984. Т. 3. - С. 166-171.
4. Жужиков Д. П. Термиты СССР. – Москва: Изд-во МГУ, 1979. - 225 с.
5. Мирзаева Г.С., Кучкарова Л.С. Кастровая дифференциация следовой

реакции у туркестанского термита // Тезисы докладов Международного семинара: «Термиты Центральной Азии: биология, экология и контроль». – Ташкент, 2005. - С. 45 – 46.

6. Abdullaev I.I., Khamraev A.Sh., Martius Ch., Nurjanov A.A., Eshchanov R.A. Termites (Isoptera) in irrigated and Arid Landscapes of Central Asia (Uzbekistan) // Sociobiology. - California, 2002. V. 40. - №3. - P. 605 - 614.

7. Krishna Kumar, Frances M Weesner. Biology of termites. - New York, 1969. - 567 p.

8. Krishna Kumar, David A. Grimaldi, Valerie Krishna, Michael S. Engel. Treatise on the Isoptera of the world. Bulletin of the American Museum of Natural History, 2013. V.2. - № 377. – 2681 p.

9. Hagen H.A. Monographie der Termiten // Linnaea Entomol, 1855. Pt. 1. V. 10. P. 1 - 125. - 1860. Pt. 3. V. 14. – P. 73-128.

10. Hayashi Y., Lo N., Miyata H., Kitade O. Sex-linked genetic influence on caste determination in a termite // Science Journal, 2007. V. 318. -№5852. - P. 985-987.

11. Holmgren N. Termitenstudien 4. Versuch einer Systematischen Monographie der Termiten der orientalischen Region // Kgl. Svenska vetenskapskad. Handl., 1913. Bd. 50. - № 2. – P. 1 - 27.

12. Su N.Y., Tamashiro M., Yates J. R., and Haverty, M. I. Foraging behavior of the Formosan subterranean termite (Isoptera: Rhinotermitidae) // Environ. Entomol., 1984. - №13. – P. 1466-1470.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада термитларнинг морфологияси, биологияси ва уларнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся сведения о морфологии, биологии термитов и стадиях их развития.

SUMMARE

There is information on termites' morphology, biology and their stages of development in this article.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

MARKAZIY QIZILQUMDA TARQALGAN AYRIM GALOFIT O'SIMLIKLAR BIOMASSALARINING POLISAXARIDLARI VA ULARNING MONOSAXARIDLAR TARKIBI

Alikulov B.S., Ismailov Z.F. (SamDU)

Tayanch soʻzlar: *biomassa, energetika, muqobil energetik manbalar, qayta tiklanuvchi energetik manbalar, bioetanol, biogaz, galofit, polisaxarid, sellyuloza, gemisellyuloza, pektin, glukoza, galaktoza, saxaroza, fruktoza.*

“тан бермок” семасининг кучайиши кўзга ташланади.

Айтилганлардан маълум бўладики, бадий метафора, лисоний метафорадан фарқли равишда, сўз семантик структурасидаги ифода семаларининг кучайиши, бунинг эвазига аташ семаларининг кучсизланишига асосланади.

Бадий метафоранинг нутқий воқеланишига денотатив асосли метафорадан фарқли равишда кескин таъсир қилувчи, реаллаштирувчи восита мавжудлиги кузатилмади. Бироқ бундай метафора ифода семалари асосида бўлганлиги туфайли метафорик маъно ифодаловчи бирликда сифатлаш вазифасига хосланиш кўпроқ кузатилди. Айниқса йирткич ҳайвонларни ифодаловчи лексик бирликларнинг хоҳ анъанавий, хоҳ фавқулудда кўринишларда бадий метафорик маъно ташиши шоир шеърларида устуворлигини кузатиш мумкин. Масалан, *булбул, зог, този, тулки, бургут, илон, товук, қуён* каби сўзлар аслида поэтик лексика таркибига кирмаса-да, уларнинг поэтик қуввати метафорик маъно ифодаланиши билан характерланади. Қуйида унга айрим мисоллар келтирамиз.

Булбул ўгай эрур зоглар орасида,

Югурик сув ўгай тоғлар орасида.

Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,

Ўгай бўлсак не тонг, соғлар орасида (Булбул ўгай эрур)

Шоир *булбул* сўзи семемасининг “хушовоз” ифода семасини *зог* сўзининг “ёқимсиз овозли” семасига зидлаган ҳолда унга бадий метафорик маъно ифодалаш вазифасини юклайди. Бундай ҳол *този* ва *тулки* сўзлари зидланишида ҳам кузатилади. Бунда *този* ижобий семаси билан *тулкига* зидланади. Тозидаги чаққонлик, олғирлик белгилари кучайтирилиб, шоир унга метафорик маъно юклашда “мардлик” муваққат семасини юзага келтиради. Чунки сўз ана шу белгиси билан “айёр” ифода семаси устуворлашган *тулки* лексемасига қарама-қарши қўйилади:

Тозига чап бериб қочган ҳар тулки

Арман тупроғини бўяди қонга.

Босқинчи сўзининг маъноси шулки,

Нонга тўйганда ҳам тўймас маконга (Арманистон).

Юқоридаги бандда *този* “кучли” семасига, *тулки* “кучсиз” семасига эга бўлса, қуйидаги бандда *тулки* “кучли”, *товук, қуён* “кучсиз” аъзо сифатида юзага чиқади:

Тулки тўқайларда изғийди гирён

Хаёлида унинг товук ё қуён.

Бургут юксақларда қанот қоқади,

У ҳам ўлжа излаб тубан боқади (Қонуният).

Тулки сўзидаги метафорик маънога монанд ҳолни *илон* сўзида

ўхшашликка асосланган метафора сифатида баҳоланар экан, бунда кўчма маънода қўлланаётган сўзнинг семантик структурасидаги семик мувофиқлашув унинг қайси семалари таркибида кўпроқ кўзга ташланишига эътибор қаратиш муҳим.

Абдулла Ориповнинг “Илтимос” шеъридаги

Бўри эмас дейсан одам одамга,

Кўзинг каттароқ оч, боққил оламга

мисраларида қўлланган **бўри** сўзига диққат қилинг. Бунда шоир асосий эътиборга бўрининг “Итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон” семемасидаги “йиртқич” узвини олади ва шу асосда ҳосил бўлган ботиний метафорик маъно (“ёвуз, золим, қонхўр одам”) ни бўрттирган ҳолда қўллайди. Кўринадики, шоир сўз семемасидаги ифода семасини кучайтиришга интиланган.

Сенинг шавкатингни улуғлаб юрсин,

Буюк анжуманлар, олтин сатрлар.

Тегрангда лол қотиб, бош эгиб турсин,

Ўтган ва ўтажаск йиллар, асрлар

(Қутлов)

мисраларида учта метафорик маънодаги сўз ва ибора қўлланган. Бадиий адабиётда *олтин* сўзининг икки хил метафорик маънода қўлланиши кузатиш мумкин. *Олтин япроқ* бирикувида шаклий хусусият – ранг ўхшашлиги эътиборга олинаётганлиги сабабли бунда ифодаланган метафорик маъно иккиламчи муайян метафорик маъно бўлиб, кўчиш асосига денотатив семалар олинган ва у кўчишнинг зохирий асосидир. Бироқ *олтин бош*, *олтин қалам*, *олтин сатр* бирикувларида ботиний алоқадорлик кузатилади. Чунки буларнинг барчасида бир сифат хусусияти – “қимматбаҳо” ифода семаси кучайишини, бунинг эвазига денотатив семалар кучсизланганлиги ва ноль даражага тушганлигини кўриш мумкин.

Йил ва *аср* бевосита кузатишда берилмаган вақт бирлигини ифодаловчи мавҳум отлардир. Бу эса унинг тирик мавжудотга, хусусан, инсонга хос бўлган *лол қотмоқ*, *бош эгиб турмоқ* сўзлари ифодаладиган ҳолатга эга эмаслигини кўрсатади. Бироқ шоирнинг поэтик нигоҳи юрт қудрати ва маҳобати, салобати ва гўзаллиги олдида йилларнинг ҳам “бош эгиб туриши”ни кўради. Бу поэтик ифодалар бадиий адабиётда янгилик эмас. Лекин йилга, асрга нисбатан қўлланиши, уни ифодаловчи сўз билан окказионал боғланиш ҳосил қилиши унинг фавқулодда метафорик табиатлилигини кўрсатади.

Сўз ва иборанинг семантик структурасидаги кўчимга асос бўлган ҳолатлар ҳам ўзига хос. *Лол қотмоқ* иборасининг лексикографик тавсифи қуйидагича: “Иzza бўлиб, хижолатда қолиб ёки мағлубиятдан гапиролмай қолган, тили тутилган, мулзам, соқов” (5:434). Шоир бунда берилмаган “ҳайратдан ақли-хушини йўқотмоқ” ифода семасини бўрттиради. Бу сема феълнинг оралик лексикографик маъноларида қайд этилган (5:434.). *Бош эгиб турмоқ* иборасида эса

Ҳозирги кунда о‘симликлар биомассаларидан универсал муқобил энергетик манба сифатида фойдаланиб, экологик жиҳатдан тоза бо‘лган газ, yонилг‘и ва электр энергияси олиш имконияти mavjud. Биомассадан энергия манбаи сифатида фойдаланишга қизиқиш, энг аввало, биомассанинг ҳар йили қayтадан paydo bo‘lishи, yиг‘илган энергиянинг saқланishi va uzoq muddat davomida xohlаgan holatda ishlatilishi mumkinligи, bu энергияни boshqa turdаgi энергияга o‘tkaza olish mumkinligи, ba‘zi mintaqalarda esa issiqlikning bu manbaи, tabiiy issiqlik manbalaridan arzonroq turishi, ekologik toza issiqlik manbaи bo‘lganligи, undan foydalanganda atrof-muhitda oltingugurtning zaharli oksidlari paydo bo‘lmasligи; atmosferadagi karbonat ангidridи balansi o‘zгarmasligи va boshqa qator sabablar bilan uzviy bog‘liқdir [2, 3]. Mutaxassislarining fikricha, yer yuzida har yili hosil bo‘ladigan biомassalardan ajraladigan энергия miқdori nazariy жиҳатдан 2900 Edj/yil ga teng [4].

Ҳозирги кунда О‘збекистонда бирламчи энергетик манбалар сифатида tabiiy газ (91,8%), нефт (7,0%), gidроenergetika (1,3%), ko‘mir (0,01%) va boshqalar (0,03%) dan keng foydalanilmoqda [5]. О‘збекистонда mavjud uglevodorodlar zaxirasi taxminan 5,1 milliard tonna neftga ekvivalent miқdorda bo‘lib, jumladan, neft taxminan 245 mln tonna, tabiiy газ 1979 mln tonna va ko‘mir 2850 mln tonna neftga ekvivalent miқdordаgi zaxiraga ega. Respublikamizda aholi sonи dinamikasi bugungi kundаgi ko‘rsatkichga teng bo‘lganda, mavjud neft zaxiralari 10-12 yilga, tabiiy газ zaxiralari 28-30 yilga, ko‘mir zaxiralari esa 50 yildan ortiqroq muddatga yetishi bashorat qilinmoqda [6].

Yuqoridagi muammolardan kelib chiqqan holda, О‘збекистонда энергия ishlab chiqarishning noan‘anaviy usul va texnologiyalarini ishlab chiqish, ular uchun muqobil energetik manbalar yaratish hamda ularni amaliyotga tatbiq etishga qaratilgan ilmiy-tadqiqot ishlariga alohida e‘tibor qaratilmoqda (jumladan, О‘збекистон Respublikasi Prezidentining “Muqobil энергия manbalarini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi № ПФ – 4512 sonli farmoni, 2013-yil 1-mart). Chunki iqtisodiy taraqqiy etgan va rivojlanib borayotgan mamlakatlarda uglevodorod xomashyosining jahon miqyosida kamayib borayotgan sharoitda iqtisodiyotning barqaror rivojlaniishi va raqobatbardoshligini oshirishning eng muhim omili sifatiда muqobil energetik manbalardan foydalanish imkoniyatlarini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi [1].

О‘збекистон hududining katta qismi cho‘l zonasiga to‘g‘ri keladi. Cho‘llar o‘ziga xos floristik tarkibga ega bo‘lib, ular asosan mayda shoxli qoramollar uchun ozuqa sifatiда foydalaniladi. Ammo cho‘l o‘simliklari orasida ayrim o‘simliklar guruhlari, masalan, galofit o‘simliklarning orasida xalq xo‘jaligida maqsadli foydalanilmaydigan, ammo ko‘p biomassa hosil qiladigan turlari uchraydi. Ular yog‘ochligи nisbatan og‘ir, tez sinuvchan va yaxshi yoqilg‘i bo‘ladigan poyaga ega bo‘lib, issiqlik kaloriyasi ko‘mirdan qolishmaydi. Bu o‘simliklarning poyalarini an‘anaviy usulda yoqib to‘liq kuydirgan holda foydalansak, katta hajmda CO₂ ajralib, atrof-muhitning

ifloslanishiga sabab bo'ladi [7]. Galofit o'simliklar biomassalaridan oqilona foydalanish uchun ularni fermentatsiyalash asosida bioetanol, biogaz yoki bioo'g'itlar olish imkoniyati mavjud.

Galofit tipidagi o'simliklarni Markaziy Qizilqumdagi Mingbuloq sho'rxok cho'li, Zarafshonning quyi oqimida joylashgan hududlarda uchratish mumkin. E.P.Korovin (1964) ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonda galofit o'simliklarning 256 turi o'sishi aniqlangan. M.G.Popov (1940), Q.Z.Zokirov (1955) va I.I.Granitov (1969)lar Qizilqum hamda Zarafshon vodiysida tarqalgan sho'rxok cho'llardagi o'simliklar florasini tekshirishgan [8].

Markaziy Qizilqumning sho'rxok va sho'rtob tuproqli, sho'rxok botiqlar hamda artezian quduqlari atrofidagi sho'rlangan maydonlarda keng tarqalgan xo'jalik maqsadlarida deyarli foydalanilmaydigan galofit o'simliklar jumlasiga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

- Sarsazan - *Halochnum strobilaceum*;
- Qorabaroq – *Halostachys belangeriana*;
- Yulg'un - *Tamarix hispida*;
- Qorasaksovul – *Haloxylon aphyllum*.

Yuqorida keltirilgan o'simliklar boshqa galofit o'simliklardan o'zining ko'p biomassa hosil qilishi, chorva mollari uchun ozuqa sifatida deyarli ishlatilmasligi hamda dorivorlik xususiyatlari kamligi bilan ajralib turadi. Ularning biomassalaridan mikroorganizmlar ishtirokida bioetanol va biogaz ajratib olishda texnologik jarayonning samarasiga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy omillardan biri foydalanilayotgan biomassalarning kimyoviy, jumladan, polisaxaridlar tarkibi hisoblanadi.

Tahlil qilingan ma'lumotlardan kelib chiqqan holda, Markaziy Qizilqum hududida tarqalgan energetik mahsulotlar olish uchun ijobiy xususiyatlarga ega o'simliklarning polisaxaridlarini miqdor va sifat jihatdan o'rganishni maqsad qilib oldik. O'simliklar biomassalarining polisaxaridlar tarkibi B.N.Stipanenko (1978) va N.K.Kochetkova (1967) usullaridan foydalanilgan holda aniqlandi. Aniqlangan ma'lumotlar Lakin (1992) bo'yicha statistik sarhisob qillindi. Tajribalar akad. S.Yunusov nomidagi O'simlik moddalari kimyosi instituti O'simliklarning yuqori molekulyar organik moddalari laboratoriyasida olib borildi. Tajriba natijalari 1- va 2-jadvallarda keltirilgan.

Tajriba natijasida olingan ma'lumotlardan (1-jadval va 1-rasm) ko'rinib turibdiki, galofit o'simliklar tarkibidagi polisaxaridlar turlicha miqdorda bo'ladi. Jumladan, monomer tarkibi fruktoza, glukoza, saxaroza bo'lgan spirtida eruvchi polisaxaridlarning miqdori tadqiqot obyektlari bo'lgan o'simliklarda 1,2 % dan 2,8 % gacha yetadi. Ular ichida eng ko'p miqdorda yulg'un (*Tamarix hispida*), minimal miqdorda esa sarsazan (*Halochnum strobilaceum*) da uchrashi aniqlandi. Ishqorda eruvchi polisaxaridlar (pektin va gemisellyuloza)ning miqdori tadqiqot obyektlari bo'lgan o'simliklarda 6,0 % dan 22,3 % gacha bo'ladi. Ularning ko'p miqdorda uchrashi sarsazan (*Halochnum strobilaceum*)da, kam miqdorda uchrashi qorasaksovul (*Haloxylon aphyllum*)da ekanligi aniqlandi.

билан ажралиб туради.

Абдулла Орипов шеъриятида метафоранинг юқорида саналган икки тури ҳам маҳсулдор бўлиб, унда умумий метафорик меъёрдан четга чиқиш кузатилмайди.

Бадиий метафора метафоранинг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, бадиий нутқнинг образлиги ва таъсирчанлиги, кўтаринкилиги ва танатанаворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Бадиий метафора ҳақида фикр юритган олимлар унинг муҳим жиҳатларини алоҳида таъкидлашади. Бадиий асарда, айниқса, шеъриятда ифодалилик, образлилик асосий тасвир воситасидир. Шунга кўра, поэтик метафораларда образлилик кўлами кучли бўлиб, поэтик метафора поэтик фикр ифодаловчи воситалардан биридир (1:60). Бадиий метафора, одатда, шартли ва ботиний ўхшашликка таянган кўчим бўлиб, кўпинча яширин ўхшатиш сифатида баҳоланади (2:21). У поэтик фикрнинг тўлақонли бадиий ва образли қиёфа касб этишини таъминлайди (3:17). Метафора хусусида махсус мақола ёзган С.Усмонов ҳам бадиий метафора нутқий парчада илгари ҳеч қандай англамаган предмет ёки ҳодисани билдиришини таъкидлайди (4:34-35). Бунда, албатта, фикр окказионал бадиий метафора ҳақида боради.

Бадиий метафора ижтимоий шартланмаганлиги билан характерланади. Бу эса унда адибнинг поэтик идроки зоҳиран мувофиқ бўлмаган ҳодисаларни боғлай олиши, улардан бадиий хулоса чиқариши каби ҳолатлар билан белгиланади.

Ижтимоий шартланмаган бўлса-да, бадиий метафора образли фикрни ифодалашда анъанавийлиги ёки фавқулоддалиги билан ҳам фарқланади. Масалан, муҳаббатга нисбатан *отаи, олов, кўркмасликка нисбатан юрагида ёли бор*, тинчлик учун *кабутар, безубор осмон*, самолёт учун *лочин*, фирибгарлар учун *тулки*, қариллик учун *кузак*, ҳиссизлик учун *тўнмоқ*, муте кишилар учун *соя* сўзлари бадиий адабиётда анъанавий бадиий метафорик маъно ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади ва унинг аксарият шоирлар ижодида кўплаб қўлланишини кўриш мумкин.

Фавқулодда метафора ҳар бир шоирнинг ижодида окказионал ифода эканлиги билан характерланади. Масалан, шоир Абдулла Орипов “Кузак шамоллари...” шеърида

Бизнинг теграмизда ёнаётган куз,

Қайсидир ошиқнинг сўнган юраги

мисралари бор. Бунда шоир *куз* сўзини ошиқнинг сўнган юрагига нисбатан қўллайди. Шоир ўхшатиловчи денотатлар орасида ботиний боғлиқликни кўради. Бундай ҳолат бошқа шоирлар шеърида кўзга ташланмади. Демак, бу образли метафорик маънонинг фавқулоддалигини кўрсатади.

Тадқиқотларда бадиий метафоранинг бу икки тури умумий ва индивидуал метафора деб ҳам фарқланади.

Бадиий метафора, юқорида айтилганидек, шартли ёки ботиний

ми. Наряду с этим автор раскрывает свои взгляды на работу со словарями на примере “Учебного словаря по словообразованию узбекского языка”.

SUMMARY

Article deals with the improvement the effectual working with educational vocabulary, the working way of the vocabulary and the role of methodic introduction. The author illuminates her opinion over the examples of working on “The world structure and educational vocabulary of the uzbek language.”

Nashrga prof. B.Mengliyev tavsiya etgan

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНГАН
БАДИЙ МЕТАФОРЛАР СЕМАНТИКАСИ**

Шодмонова Д. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *метафора, метафорик маъно, лисоний метафора, бадий метафора, фавқуллода метафора, сема, семема, ифода семаси, аташ семаси.*

Лингвопоэтикада нарса ва ҳодисаларнинг ташқи, зоҳирий ўхшашлигига асосланган метафорик кўчма маънога нисбатан лисоний, уларнинг ички, ботиний ўхшашлигига монандлигига асосланган метафорик маънога нисбатан бадий метафора ифодаси ишлатилади. “Тилда ва бадий нутқда ишлатилишига кўра метафорани икки турга бўлиш мумкин:

- 1) тил метафораси;
- 2) бадий метафора.


Тил метафораси бадий метафорадан ўхшашликнинг формасига кўра фарқланади. Чунки тил метафораси икки предмет ўртасидаги очик ўхшашликка асосланувчи кўчимдир. Масалан, *бош* сўзининг асосий лексик маъноси “бош қисм” бўлиб, “тоғнинг боши”, “йўлнинг боши”, “ишнинг боши” каби кўчма маъноларга эга. Бадий метафорда предметлар орасидаги ўхшашлик асосида бадий бўёк, образлилик ётади. Демак, бадий метафора тил метафорасидан, дастлаб, фикрни образли ифодалаш хусусияти билан ажралиб туради. Шунингдек, бадий метафорда ўхшашлик яширинган ҳолда бўлади.

Бадий метафора – образли, ифодалади, таъсирчан восита. У бадий нутқнинг таъсирчанлигини, образлигини кучайтирувчи усул ҳисобланади. Шунга кўра, бадий метафора тасвирий восита сифатида бадий нутқ жараёнида муҳим вазифа бажаради. Бадий текстдан ташқарида метафорик маъно ифодалаган сўз предметнинг номининг атамаси сифатида номинатив функциясида қолаверади” (1:18). Лисоний метафора кўп ҳолларда ижтимоий шартланган бўлиб, у денотатив боғлиқликка эга бўлади. Бадий метафора эса коннотатив кўчим асосида бўлиб, кўпроқ окказионал характердалиги

1-jadval

О‘симliklar tarkibidagi polisaxaridlar miqdori, % da

№	О‘симliklarning nomlari	Spirtda eruvchi polisaxaridlar (fruktoza, glukoza, saxaroza, fruktooligosaxaridlar)	Ishqorda eruvchi polisaxaridlar (gemisellyuloza, pektin)	Sellyuloza
1	<i>Halochnimum strobilaceum</i>	1,2	22,3	26,4
2	<i>Halostachys belangeriana</i>	1,5	6,8	30,6
3	<i>Tamarix hispida</i>	2,8	13,2	28,8
4	<i>Haloxylon aphyllum</i>	2,1	6,0	32,8



1-rasm. Ayrim galofit o‘simliklarda polisaxaridlar miqdorining qiyosiy tahlili.

2-jadval

О‘симliklar tarkibidagi polisaxaridlarning monosaxaridlar tarkibi

(Qog‘oz xromotografiyasi asosida)

№	О‘симliklarning nomlari	Monosaxaridlar		
		Spirtda eruvchi polisaxaridlar	Ishqorda eruvchi polisaxaridlar	Sellyuloza
1	<i>Halochnimum strobilaceum</i>	saxaroza, fruktoza	glukoza	glukoza
2	<i>Halostachys belangeriana</i>	saxaroza	glukoza, galaktoza	glukoza
3	<i>Tamarix hispida</i>	saxaroza, fruktoza	glukoza	glukoza
4	<i>Haloxylon aphyllum</i>	saxaroza	glukoza, galaktoza	glukoza

Bioetanol va biogaz ajratib olish uchun o'simlik biomassalari tarkibidagi asosiy yuqori potentsialli modda sellyuloza hisoblanadi. Tadqiqot ishlarimizning obyektini hisoblangan barcha galofit o'simliklar biomassalari tarkibidagi sellyuloza miqdori deyarli bir xil miqdorda (26,4-32,8 %) bo'lishi aniqlandi, ya'ni sarsazan (*Halochnimum strobilaceum*), qorabaroq (*Halostachys belangeriana*), yulg'un (*Tamarix hispida*) va qorasaksovul (*Haloxylon aphyllum*) mos holda 26,4 %, 30,6 %, 28,8 % va 32,8% uchraydi.

2-jadvalda keltirilgan ma'lumotlar asosida aytish mumkinki, galofit o'simliklar biomassalari tarkibidagi polisaxaridlarning tarkibida glukoza, galaktoza, saxaroza va fruktoza bo'ladi. Shulardan sarsazan (*Halochnimum strobilaceum*)da glukoza, saxaroza, fruktoza, qorabaroq (*Halostachys belangeriana*)da glukoza, saxaroza, galaktoza, yulg'un (*Tamarix hispida*) da glukoza, saxaroza, fruktoza hamda qora saksovul (*Haloxylon aphyllum*)da glukoza, saxaroza, galaktoza uchraydi. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, galofit o'simliklarning tarkibidagi polisaxaridlar miqdori va ularning monosaxaridlar tarkibi o'simliklarning turi, hayotiy shakli va yashash sharoitidan kelib chiqqan holda turlicha bo'ladi, deyish mumkin.

Xulosalar

1. Galofit o'simliklar biomassalari tarkibida spirtida eruvchi polisaxaridlar miqdori 1,2 % dan 2,8 % gacha, ishqorda eruvchi polisaxaridlar (pektin va gemiselyuloza)ning miqdori 6,0 % dan 22,3 % gacha, sellyuloza miqdori 26,4 dan 32,8 % gacha bo'ladi.

2. Galofit o'simliklar biomassalari tarkibidagi polisaxaridlarning tarkibida glukoza, galaktoza, saxaroza va fruktozalar uchraydi.

Adabiyotlar

1. "Muqobil energiya manbalarini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. 2013-yil 1-mart.

2. Богданович С.П., Шевченко Н.В. Перспективы использования альтернативного топлива в сельском хозяйстве. // Техника в сельском хозяйстве. 2012. № 5. –С.38-40.

3. Harding S., Adams B. Biomass as a rebuming fuel: a specialized cofring applications. // Biomass and Bioenergy. -2000. № 19. P. 429-445.

4. Шуйский В.П., Алабян С.С., Комиссаров А.В., Морозенкова О.В. Мировые рынки ВИЭ и национальные интересы России. // Проблема прогнозирования. 2010. № 3. – С.133.

5. Альтернативные источники энергии: возможности, использования в Узбекистане. // Аналитический доклад (Доклад подготовлен Центром экономических исследований при содействии ПРООН). 2011. № 3. – С.7.

6. Перспективы развития возобновляемой энергетики в Узбекистане. // Аналитический доклад (Доклад подготовлен Центром экономических исследований при содействии ПРООН). 2007. – С.17.

7. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Часть I. Ташкент. Издательство АН УзССР. 1955. –С. 61-64.

8. Шеримбетов С.Г. Галофильная растительность высохшего дна Аральского моря и ее роль в формировании биологического разнообразия. // Guliston davlat universiteti axborotnomasi. 2015. № 3. –С.29-32.

lug'atida ayrim so'zlarning etimologiyasi, ya'ni kelib shiqishiga ishora qilib ketish lozim: anglashilmovchilik (ong-la-sh-il-ma-vchilik), sanoqsiz (son-a-q-siz), atoqli (ot-a-q-li) kabi.

Bugungi kunda soddalahish, tublashish, yaxlitlashish kasb etgan va bu jarayonni boshidan kechirayotgan o'zbecha so'zlar tarkibi tahlil qilinmaydi, ular bir o'zakka teng keladi: qizg'ish, qishloq, kungay, kunduzi, kurtak, yo'rg'a, yiring, qopqoq ..

Tarkibida egalik, kelishik shakllari yaxlitlangan ayrim ravishlar, modal so'zlar ham ma'noli qismlarga ajralmaganligi bois tarkibi tahlil etilmaydi: kunda, birga, birdan, yaqinda, kechasi, kunduzi, to'satdan, zimdan, qo'qqisdan, haqiqatdan, chamasi, aftidan, afsuski...

So'zning tarkibini ajratish. Har bir so'zning ma'noli bo'laklarga ajratilishi undagi qismlarning hozirgi o'zbek adabiy tilida o'zaro munosabatga kirisha olish xususiyatiga asoslanadi. So'zning tarkibini ajratishda, avvalo o'zak ajratilib, uning lug'aviy ma'nosi aniqlanadi. O'zakka qaysi qo'shimcha turi qo'shilmasin, u har doim o'zakkdagi ma'no bilan aloqador bo'ladi va yangi so'z yasalganda ham o'zakning ma'nosi saqlanib qoladi. Masalan, suvoqchilik so'zining tarkibi suva+q+chi+lik. Ushbu kasb-hunar bilan bog'liq soha otining o'zakkdagi suvash harakati bilan aloqasi uzilmagan.

Yuqorida aytilganidek, qo'shimchalar serqirra mohiyat bo'lib, turli belgilariga ko'ra turli guruhlariga mansub bo'ladi. So'z tarkibi tahlilida ular quyidagi shartli belgilar bilan ko'rsatiladi:

- o'zak;
- so'z yasovchi qo'shimcha;
- lug'aviy shakl hosil qiluvchi (shakl yasovchi) qo'shimcha;
- ^- sintaktik shakl hosil qiluvchi (so'z o'zgartiruvchi) qo'shimcha;
- ◇- murakkab qo'shimcha;
- °- shakldosh (omonim) qo'shimcha;
- *- ma'nodosh (sinonim) qo'shimcha;
- #- zid ma'noli (antonim) qo'shimcha;
- ∩- talaffuzdosh (paronim) qo'shimcha;

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, lug'atlar ona tili ta'limi samaradorligini oshirishning muhim vositalaridan hisoblanadi. Har qanday lug'atda bo'lgani kabi so'z tarkibi o'quv lug'ati bilan ishlashning amaliy ahamiyatini oshirishda lug'atning ish uslubi bilan tanishtiradigan ilmiy-metodik qurilmasi muhim rol o'ynaydi.

РЕЗИОМЕ

Maqolada ta'limiy lug'atlar bilan ishlash samaradorligini oshirishda lug'atning ish uslubi bilan tanishtiruvchi metodik yo'riqnomaning roli xususida so'z boradi va mualliflar o'z qarashlarini "O'zbek tilining so'z takribi o'quv lug'ati" ustida ishlash misolida yoritadilar.

РЕЗИОМЕ

В данной статье речь идёт о роли методической инструкции по работе со словарём для повышения эффективности работы с обучающими словаря-

yasalma ma'nosi o'rtasida aloqa uzilsa, morfemalar o'zak tarkibida soddalanishga uchragan bo'lsa, bunday so'zlar ma'noli qismlarga ajralmaydi, unga yaxlit so'z sifatida qaraladi. So'z yasovchi morfemalarda ham, lug'aviy va sintaktik shakl yasovchi morfemalarda ham bu holatni kuzatish mumkin: qishloq (aslida qishlaydigan joy, bugungi kunda doimiy yashash joyi, ya'hi qish bilan aloqa uzilgan), ovloq (aslida ovlaydigan joy, bugungi kunda pana, xoli joy), qovurg'a (qopurg'a – yurak, o'pka kabi a'zolari qoplab turadigan organ), qopqoq, yaproq, bo'yin, yurak, ichak, uyg'on, uyg'ot, uyg'oq, yumshamoq, o'xshamoq, qurshamoq, lcha (aslida olu-cha), qizilcha (1. kichik qizil toshmal kasallik. 2. qizartirib qovurilgan go'shtli taom), ko'kcha (qovun navi), Onaxon, Olmaxon, Qizlarxon, Beklar (mahallasi), qizg'ish, sarg'ish (aslida qizil-ish, sariq-ish), ko'rish (salomlash), kelish (bir qarorga kelmoq), tortinmoq, cho'qinmoq, botinmoq, kechirmoq, surishtir, cho'milmoq, kelin, kechasi, kunduzi, tunlari, chamasi, mazmuni, qisqasi, yaxshisi, rosti, birdan, birga, birvarakayiga, kunda va h.

Tillarni kuzatishdan ma'lumki, morfologik ko'rsatkichlar yo mustaqil ma'noli leksemalardan, yoki har xil qo'shimchalarning o'zaro birikib yangi qo'shimcha hosil qilish usulidan shakllanadi. Ko'pgina so'zlar qo'shilib ketishi natijasida ikkinchi qism morfemaga aylanib ketishi mumkin: gapir (gap ur), tupir (tuf ur), supur (suv ur), berkit (berk et), to'lat (to'la et), bo'shat (bo'sh et), yo'qot (yo'q et), yo'qol (yo'q o'l), aytoladi (ayta oladi), ketaver (keta ber), ketvormoq (ketib yubormoq), boryapti (borib yotibdi).

Hozirgi o'zbek adabiy tilida so'zga qo'shimcha qo'shilganda o'zakda fonetik o'zgarishlarning quyidagi ko'rinishlari kuzatiladi.

Tovush tushishi: sariq-ay / sarg'ay, past-ay / pasay, og'iz-aki / og'zaki, o'yin-a / o'yna, o'rin-ash / o'rmash, ayir-im / ayrim, ayir-il / ayril, buyur-uq / buyruq; ikki-ov / ikkov, olti-ala / oltala, yetti-ovlon / yettovlon; men-ning / mening, sen-ni / sening; burun-i / burni, shahar-im / shahrim, o'g'il-ing / o'g'ling.

Tovush orttirilishi: isi-q / issiq, qot-iq / qattiq, tib-iy / tibbiy, his-iy / hissiy, shu-cha / shuncha, bu-day / bunday; u-ga / unga, shu-da / shunda, bundan / bundan, haq-i / haqqi, parvo-i / parvoyi, obro'-ing / obro'ying.

Tovush almashishi:

a o: tara-q / taroq, so'ra-q, / so'roq, qiyna-v / qiynov, so'ra-v / so'rov;

o a: son-a / sana, ong-la / angla, uosh-a / uasha, ot-a / ata;

i u: tinti-v / tintuv, o'qi-v / o'quv, sovi-q / sovuq, quri-q / quruq;

q g': qishloq-i / qishlog'i, yutuq-im / yutug'im, buyruq-i / buyrug'i;

k g: yurak-i / yuragi, eshik-im / eshigim, tilak-ing / tilaging;

So'z tarkibi lug'ati o'rni bilan imlo lug'ati vazifasini ham o'tay oladi.

Chunki so'zlarning tarkibiy tuzilishi haqida qat'iy bilimga ega bo'lish, o'zakka turli vazifadagi morfemalar qo'shilishi natijasida yuz beradigan fonetik o'zgarishlarni anglab olish, shubhasiz, yozuvdagi har xilliklarni bir shaklga keltirishga yordam beradi.

O'zakni ajrata bilish, so'z tarkibidagi tovush o'zgarishlarini fahmlash so'zni to'g'ri yozishga imkon beradi. Shu sababli so'z tarkibi o'quv

РЕЗУМЕ

Maqolada O'zbekiston Respublikasida uglevodorod xomashyosi kamayib borayotgan sharoitda muqobil energetik manbalar yaratishning ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida galofit o'simliklar biomassalaridan foydalanish imkoniyatlari ko'rsatilgan. Maqolada tahlil qilingan ma'lumotlar ilmiy va amaliy ahamiyatga ega bo'lib, ulardan foydalanish yangi muqobil energetik manbalarning rivojlantirishiga xizmat qiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены сведения, о том, что в условиях снижения ресурсов углеводородного сырья в Узбекистане, одним из главных направлений альтернативных источников энергии может быть использование биомассы некоторых галофитных растений. Полученные результаты имеют важное научно-практическое значение, использование которых послужит для развития новых альтернативных источников энергии.

RESUME

The article provides information, that in response to reduced hydrocarbon resources in Uzbekistan, one of the main directions of alternative sources of energy can be use of biomass of some halophyte plants.

The results have high scientific and practical importance, which serve for the development of new alternative energy sources.

Nashrga prof. Sh.Qurbonov tavsiya etgan

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА НИНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Шеркулова Ж.П. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *замбуруғ, Fusarium, Cercospora, Phoma, Alternaria, Ascochyta, Aspergillus, Phomopsis, Penicillium, Dendrodochium, Nigrospora, Stachybotrys, Cladosporium, Stemphyllium, Curvularia, Bipolaris, Acremonium, Verticillium, Gliocladium.*

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб табиатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида табиатга оқилона муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш давлат аҳамиятига молик масала эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган [1].

Манзарали ўсимликлар худудлари фақат манзара ҳосил қилишда асосий роль ўйнаб қолмасдан, санитар-гигиеник вазифани ҳам бажаради. Яъни шаҳар шароитидаги атмосфера ҳавосини тозалаш, гармсел шамоллар ва шовқиндан аҳоли манзилгоҳларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Йирик саноат худудларида мавжуд муҳитнинг ифлосланиши

хамда антропоген омилларнинг салбий таъсирининг ортиб бориши натижасида манзарали дарахтларнинг ўсиш ва ривожланишида ўзига хос ўзгаришлар юзага келиб, манзаралилик хусусиятлари камайиб бормоқда.

Худудларни кўкаламзорлаштиришда минтақаларнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, ноқулай шароитга чидамли дарахтлардан фойдаланиш шаҳарлардаги экологик ҳолатни яхшилашда, иқлимни мўътадиллаштиришда юксак самара беради.

Вилоятдаги манзарали дарахтларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган асосий экологик муаммолар қаторига техноген чиқиндилар натижасида ўсимлик илдизлари ўсадиган тупроқ қатламларида тўпланиб бораётган оғир металллар миқдорининг ортиб бориши ва фойдали микроорганизмлар миқдорининг кескин камайиб, патоген турларнинг кўпайиб бориши сабаб бўлмоқда.

Бу соҳада олиб бориладиган назарий ва амалий тадқиқотлар уларга зарар келтирувчи патоген микроорганизмларга қарши курашиш тизимини илмий асослаш, аҳоли мегополисларида дарахтларнинг манзаралилик хусусиятини орттириш, атмосфера ҳавосини тозалаш ва кислоталар билан таъминлаш, энг муҳими, урбанизацион муҳитнинг яхшиланиши, дарахтларнинг биологик чидамлилигини ошириш ҳамда уларнинг умумий ҳолатини мониторинг қилиш имконини беради.

Техноген муҳитда антропоген омилларнинг дарахтлар ўсиши, ривожланишидаги салбий таъсир кўрсатувчи омиллари қаторида уларда учрайдиган сапротрофлар ва патоген микроорганизмлар ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Илмий манбаларда келтирилишича, айрим замбуруғ турлари – *Aspergillus fumigatus*, *Mucor sp.* *Candida sp.* кабилар одамларда пулмонар ва плеврал касалликларини, юрак-қон томир, ошқозон-ичак тизимида микотик эндокардит, кўриш ва эшитиш органларида триназал микоз, отомикоз яраларини келтириб чиқармоқда, эшитиш қобилиятларини пасайтирмоқда. Ўпка аспергиллозининг келиб чиқишида *A. fumigatus*, *A. flavus*, *A. nidulans*, *A. niger*, *A. glaucus*, *A. candidus* турлари қатнашади. *A. fumigatus* ўпканинг плевра қаватида, балғам таркибида аниқланган, *A. nidulans* одам тирноғини, *A. terreus* одам терисини касаллантиради, *A. flavus*, *A. candidus* турлари экзема касалликларини келтириб чиқаради [11].

Республика вилоятларида манзарали дарахтлар сифатида ўстириладиган тут ризосферасида 143 тур, 7 оила ва 4 та синфга ман-суб замбуруғлар учрайди [7]. Тут дарахтининг касалланишида 15 та турга мансуб *Fusarium* туркуми вакиллари қатнашиб, тут уруғларининг чиришига, кўчатлар қуриб қолишига ва сўлишига сабаб бўлади [15].

Ҳозирги вақтда инсон организмига заҳарли таъсир кўрсатувчи замбуруғлардан 40 та тури аниқланган бўлиб, улар қаторига кирувчи: *Stachybotrys alternans*, *Fusarium sporotrichiella*, *F. nevale*, *F. graminearum*,

ranj-i-i 3. fe'ldan sifat yasaydi: qozoq-i, koq-i, ayir-i (ayri), jannat-i, do'zax-i, joydor-i (jaydari). -i 4. fe'lning harakat tarzi shaklini yasaydi: chay-i, to'z-i, tint-i, qo'z-i, qaz-i.

-ik (-iq, -uq, -oq) 1. fe'ldan ot yasaydi: bit-ik, ko'p-ik, ko'r-ik, qil-iq, yut-uq, buyur-uq (buyruq), o'r-oq, pich-oq, bosh-oq. -ik (-iq, -uq, -oq) 2. ot va sifatdan fe'l yasaydi: ko'z-ik, chin-iq, zo'r-iq, zor-iq, yo'l-iq, nam-iq, dim-iq, qon-iq, tin-iq (tin olmoq). -ik (-iq, -uq, -oq) 3. fe'l va taqlidlardan sifat yasaydi: qiltir-iq, qirq-iq, tin-iq (suv), eg-ik, qo'rq-oq, yum-uq, sin-iq.

Shaklan har xil ma'no va vazifasi bir xil morfemalarga **ma'nodosh morfemalar deyiladi**: -li, -ser, -dor (unum-li, ser-unum, unum-dor); ba-, bo- (ba-odob, bo-odob); no-, be-, -siz (no-umid, be-umid, umid-siz); -sa, -ganda (bil-sa, bil-ganda); -yapti, -yotir, -moqda (kel-yapti, kel-moqda, kelayotir) va hk.

Zid ma'noli so'zlar yasash uchun xizmat qiladigan morfemalar **zid ma'noli morfemalar** deyiladi: -li / -siz: aql-li, aql-siz; no- / -li: no-umid, umid-li; be- / ba-: be-umid, ba-umid va hk.

Talaffuzi va yozilishi bir biriga yaqin, ammo ma'no va vazifasi boshqa-boshqa bo'lgan morfemalar **talaffuzdosh morfemalar** deyiladi:

-chan / -chang: ish-chan, talab-chan, o'y-chan (sifat yasovchi); mahsi-chang, yaktak-chang, ko'ylak-chang (ravish yasovchi).

-lik / -liq. ota-lik (otasi bor) – ota-liq (qaramoqdagi), bor-lik (mavjud) – bor-liq (koinot).

-li / -lik: palto-li, odob-li, ish-li, guruch-li (sifat yasovchi); palto-lik, shahar-lik (ot yasovchi).

So'zga qo'shilib o'zak ma'nosi bog'liq turli ma'no nozikliklari bilan farqlanuvchi ma'nolarga ega bo'lgan morfemalarga **ko'p ma'noli morfemalar** deyiladi.

-chilik ot yasovchi: 1. Asosdan anglashilgan narsa yetishtiriladigan sohani ifodalovchi ot: paxtachilik, urug'chilik, chorvachilik; 2. Asosdan anglashilgan narsa-hodisaning borlik holatini bildiruvchi ot: pishiqchilik, mo'lchilik, arzonchilik; 3. Asosdan anglashilgan tushuncha bilan bog'liq bo'lgan ishni bildiruvchi ot: ulfatchilik, tirikchilik, dushmanchilik.

Morfema variantlari. Morfemaning nutqiy reallashuv bilan bog'liq turli variantlari yuzaga kelishi mumkin. Morfema variantlaridan bexabarlik ham so'z tarkibi bilan ishlashda muammo tug'diradi. Misol sifatida qaratqich kelishigining variantlarini kuzatamiz:

Poetik variant: bog'i-n mevasi. Tarixiy variant: man-im. Dialektal variant: Xazorasp-ing olmasi (o'g'uz lahjasi), me-ni uyim (qarluq lahjasi) Fonetik variant: men-ing, sen-ing.

So'z tarkibi tahlilida qiyinchilik keltirib chiqaradigan asosiy hodisalardan biri tovush o'zgarishlaridir.

So'z tarkibidagi o'zgarishlar. Davrlar o'tishi bilan so'zlarda ma'no taraqqiyoti yuz berib, yasalma o'z atash ma'nosidan uzoqlashishi, kuchli tovush o'zgarishiga uchrashi yoki ayrim morfologik shakllar o'z funksiyasini yo'qotib, «qotib qolishi» mumkin. Agar o'zakdagi ma'no bilan

2. Sintaktik shakl hosil qiluvchi morfemalar leksemalarning muayyan gap bo'lagi bo'lib kelishga xoslaydigan va sintaktik aloqaga kiritish vazifasini bajaragan morfemalardir. Kelishik, egalik, kesimlik shakllari bu guruhni tashkil etadi.

3. Lug'aviy-sintaktik shakl hosil qiluvchi morfemalar leksemalarning ham lug'aviy ma'nosiga ta'sir qiladi, ham ularning sintaktik vazifalarini belgilaydi. Sifatdosh, ravishdosh, harakat nomi shakllari ikkiyoqlama tabiati bilan bu guruhdan o'rin egallaydi.

2. Tuzilishiga ko'ra: sodda va murakkab morfemalar. Sodda morfemalar birgina ma'noli qismdan iborat qo'shimchalardir: ish-chi-lar-imizning. Murakkab morfemalar deganda aslida birdan ortiq ma'noli qismdan iborat bo'lib, davrlar o'tishi bilan yaxlit morfemaga aylangan qo'shimchalar tushuniladi: dehqon-chilik, yog'in-garchilik, afsus-lan-moq, qiyin-lash-moq, sahar-lab, toshkent-chasiga, bola-larcha, cho'k-indi, uy-dagi, maktab-gacha va hk. Lug'atda ayni paytda murakkablashgan morfemalar bitta qo'shimcha sifatida olingan: afsus/lan/moq, ulfat/chilik, yog'in/garchilik, faol/lash/moq, yoppa/siga, qishloq/chasiga, metr/lab, gaz/lashtirish, hunarmand/chilik...

3. Kelib chiqishiga ko'ra: o'zbekcha va o'zlashma morfemalar. Qo'shimchalarning vazifasiga ko'ra turlaridan faqat so'z yasovchilar o'zlashma bo'lishi mumkin. O'zbek tilida o'zlashma morfemalarning ko'pchiligini fors tojikcha (-kor, -shunos, -do'z, -paz, -kash, -parast, be-, bo-, bad-, bar-...), arabcha (-iy/viy, -at/ot, -an...) o'zlashmalar tashkil qiladi. Lug'aviy va sintaktik shakl hosil qiluvchilar o'zbek tiliga xosdir.

Nutqimizda rus, arab, fors, shuningdek, yevropa tillaridan o'zlashgan so'zlar nihoyatda ko'p bo'lib, ularning ayrimlari o'zbek tilida ma'noli qismlarga ajralish imkoniyatiga ega bo'lsa (shaxs-iy-at, ma'mur-iyat, ma'naviy-at, fikr-an, shakl-an), aksariyati flektiv tabiatini to'la saqlagan (siyosat, falsafiy, artillerist, kooperativ, mifologiya, modifikatsiya, mexanizm, mexanik, mexanist, mexanizatsiya).

O'zlashma so'zlarni tarkibini ajratish biroz munozarali. Chunki aslida yasama holicha kirib kelgan o'zlashma so'zlar tub so'z sifatida qabul qilinishi, tarkibidan morfema ajratilmasligi lozim. Ammo ularning ayrimlari tilimizda shunchalik keng qo'llanadiki, maktab o'quvchilari ularni o'z yoki o'zlashma ekanligini ilg'ay olmaydilar. Shu bois o'zlashma so'zlarning o'zak va qo'shimchalarini ajratish imkoni borlari, o'zbekcha affiks olib yasalganlari lug'atda ma'noli qismlarga ajratilib berilgan: medal-li, ma'muriy-at-chi-lik, ma'lum-ot, maskirovka-siz, ideal-lashtirish, aspirant-lik, adabiy-ot, jism-an, moliya-viy, madaniy-at, mas'ul-iyat.

4. Shakl va ma'no munosabatiga ko'ra: shakldosh (omonim), ma'nodosh (sinonim), zid ma'noli (antonim), talaffuzdosh (paronim) va ko'p ma'noli (polisemantik).

Shaklan bir xil ammo ma'no va vazifasi bilan farqlanuvchi morfemalarga **shakldosh morfemalar** deyiladi:

-i 1. III shaxs egalik shakli: kitob-i, bola-si, eshik-i (eshigi), burun-i (burni), shahar-i (shahri).-i 2. sifat, otdan fe'l yasaydi: tinch-i, boy-i, chang-i,

Penicillium islandicum, P.citreo-viride. A.flavus, Pithomyces chartarum, Dendrodochium toxicum kaabi turklarning odam va hayvon organizmiga tushgan vaqtda zaharliqlik xususiyatini namoён qiliishi asoslangan [2, 10, 13].

Республикамизнинг жанубий хууд регионларида манзарали ўсимликлар микобиотаси умуман ўрганилмаганлигини назарда тутиб, иқлимлаштирилган ва интродукция қилинган ўсимликларнинг қуриб қолиши ва заифланишига олиб келувчи, касаллик қўзғатувчи микобионтларнинг флористик таркибини аниқлаб, уларга қарши самарали кураш тизимини илмий асосда ташкил қилиш манзарали дарахтларнинг касалланишдан сақлаб қолиниши, хуудларнинг фитосанитария ҳолатининг яхшиланиши ва аҳоли саломатлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қашқадарё вилоятида нинабаргли дарахтларга хос *Cupressaeae* F.W.Nager оиласидан 5 та ва *Pinaceae* Lindl оиласига мансуб 6 та турлар учраши аниқланди [12].

2014 – 2015 йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шахрисабз, Яккабоғ, Шўртангаз кимё мажмуаси ва Муборак хуудларида ўсаётган *Cupressaeae* F.W.Nager ва *Pinaceae* Lindl оиласига мансуб 217 та дарахт намунасидан гербарий намуналари йиғилди ва микологик таҳлил қилинди.

Тадқиқотларни амалга оширишда В.И.Билай (1970–1971), Н.М.Пидопличко (1977), К.Кирай, З.Климент (1974), Р.М. Клейн, Д.Т Клейн (1974), И.А.Дудка (1991) ва бошқалар томонидан яратилган услублардан фойдаланилди [3, 4, 6, 8, 9]. Нинабаргли дарахт турларининг фитосанитар ҳолатини таҳлил қилиш М.И.Дементьева (1985) усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Касалланган ўсимлик қисмларидан ажратилган замбуруғларнинг тур таркиби Н.М.Пидопличко (1977) усули асосида аниқланди [14].

Нинабаргли дарахтлар ва улар остидаги ўсимлик қолдиқларидан олинган намуналарни ташқи томонидан ва микроскопда кузатиш натижасида улар юзасида замбуруғ ғуборлари, доғлар борлиги аниқланди. Айниқса, тўқ сариқ рангларнинг шу йилги нинабаргларда, жигар рангдаги доғлар ўтган йилги баргларда, қўнғир рангли доғлар икки йиллик баргларда кўп учраши аниқланди.

Нинабаргли дарахтларнинг қуриб қолиш сабабларини ўрганиш мақсадида аҳоли яшайдиган хуудлардан 5 та жой белгиланди ва 11 та турга мансуб 161 дона дарахт намуналари микологик таҳлил қилинди.

Хуудларнинг фитосанитар ҳолати ва дарахтларнинг касаллигини ҳисобини олиш М.И.Дементьева (1985) усулида аниқланди.

Кўчатларнинг сонини ва қуриб қолишини ҳисоблаш учун тажриба ўтказилган майдончалардаги дарахтлар сони санаб чиқилди ва микологик таҳлил қилинди [5] (1 жадвал).

Cupressaeae ва Pinaceae оиласига мансуб манзарали дарахт турларининг фитосанитар ҳолати

Т/б №	Туркумлар	Ташхис қилинган ўсимликлар сони, дона	Соғлом		Касалланган	
			дона	% да	дона	% да
<i>Cupressaeae</i> F.W.Nager.						
1.	<i>Juniperus communis</i>	30	20	67	10	33
2.	<i>J. virginiana</i>	30	15	50	15	50
3.	<i>Biota orientalis</i>	30	20	67	10	33
4.	<i>Cupressus sempervirens</i>	2	2	100	-	-
5.	<i>C. arisonica</i>	5	5	100	-	-
<i>Pinaceae</i> Lindl.						
1.	<i>Picea abies</i>	30	17	57	13	43
2.	<i>P. pungens</i>	10	5	50	5	50
3.	<i>P. schrenkiana</i>	10	5	50	5	50
4.	<i>Pinus eldarica</i>	30	18	60	12	40
5.	<i>P. pallasiana</i>	10	6	60	4	40
6.	<i>P. nigra</i>	30	20	66	10	34
	Жами	217	133	61	84	39

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, микологик таҳлил учун олинган 217 та ўсимлик намунасида 133 та ёки 61 % и соғлом ва 84 та ёки 39 % ўсимликларнинг замбуруғлар билан касалланганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида уларнинг касаллик белгиларига эга бўлган барги ва новдасидан 17 та туркумга хос 45 та замбуруғ тури учраши қайд қилинди (2-жадвал).

Cupressaeae ва Pinaceae оиласи вакилларида учрайдиган фитопатоген замбуруғларнинг туркумлар ва турлар сони

т/р	Туркумлар	Турлар сони, дона	<i>Cupressaeae</i>	<i>Pinaceae</i>
1.	<i>Fusarium</i>	6	3	3
2.	<i>Cercospora</i>	2	1	1
3.	<i>Phoma</i>	1	1	-
4.	<i>Alternaria</i>	4	2	2
5.	<i>Ascochyta</i>	2	1	1

tushuniladi. Tilshunoslikda soʻzning boʻlinmas eng kichik maʼnoli qismi morfema deb yuritiladi. Soʻz tarkibi tahlili, morfem tahlil atamaları maʼnodosh birliklar sifatida ishlatiladi. Ammo jahon tilshunosligida morfemaga taʼrif berilar ekan, koʻp talqinlarda unga xos uch asosiy belgiga urgʻu beriladi: 1. Maʼnoli qismlarga ajralmaslik. 2. Mustaqil qoʻllana olmaslik. 3. Soʻz bagʻrida yashash.

Oʻzbek tilining oʻziga xos agglyutinativ tabiatidan kelib chiqadigan boʻlsak, tilimizda morfema deganda faqat qoʻshimchalarni tushunish lozim. Oʻzak morfema emas, balki u leksemdir. Nutq tarkibida unga soʻz sifatida qaraladi. Leksema leksikologiyaning, soʻzshakl morfologiyaning tadqiq manbai hisoblanadi. Oʻzbek tilida oʻzakni morfema deb tarqin qilish rus tili grammatik meʼyorlariga suyanish oqibatidir. Ichki fleksiyaga asoslangan rus tilida oʻzakka morfema deb qarash oʻrinli. Chunki flektiv tillarda oʻzak morfemaning jahon tilshunosligida eʼtirof etilgan ilmiy taʼrifiga mos tushadi.

Demak, oʻzbek tilida soʻz tarkibi, soʻzning maʼnoli qismlari deganda oʻzak va qoʻshimcha tushuniladi. Ammo morfema terminini, aytilganidek, soʻzning barcha maʼnoli qismlariga nisbatan qoʻllashga oʻzbek tilining milliy tabiati toʻsqinlik qiladi, shuning uchun tilimizda faqat qoʻshimchaga nisbatan morfema terminini qoʻllash maqsadga muvofiqdir.

Qoʻshimchalar nihoyatda serqirra boʻlib, uning har bir qirrasini alohida tasnifni talab etadi. Oʻzbek tilida qoʻshimchalar quyidagi asosiy belgilariga koʻra tasniflanadi:

1. Funktsional-semantik xususiyatiga koʻra: soʻz yasovchi morfemalar, grammatik morfemalar.

Soʻz yasovchi morfemalar yangi soʻz yasash uchun xizmat qiladi. Yangi soʻz yangi leksik va grammatik maʼnolarga ega boʻladi, atash maʼnosi yangilanadi: ish-siz-lik, bil-im-don-lik, oʻyn-a, taro-q, pas-ay, oʻr-oq-chilik. Soʻz yasovchi morfemalar soʻzga bittadan 3-4 tagacha qoʻshilishi mumkin. Soʻz yasovchi morfemalar quyidagi tur soʻzlardan yangi soʻz yasaydi:

Sodda tub soʻzdan – ishla, yoshlik, aqli...

Sodda yasama soʻzdan – ishsizlik, bilimdon, yaltiroq...

Qoʻshma soʻzdan – ishyoqmaslik, asalarichi, oʻrinbosarlik...

Juft soʻzdan – sabr-toqatli, sihat-salomatlik, qoʻni-qoʻshnichilik

Takroriy soʻzdan – sharshara, bizbizak, dagʻdagʻa

Grammatik morfemalar asosiy xususiyatlariga koʻra uchga ajraladi:

1. Lugʻaviy shakl hosil qiluvchi morfemalar leksemalarning lugʻaviy maʼnosini nutq talabiga moslaydigan, soʻzning atash maʼnosiga muayyanlashtirish, toraytirish, aniqlashtirish darajasida taʼsir etadigan morfemalardir. Otlardagi kichraytirish, son, shaxsiy munosabat shakllari; feʼllardagi nisbat, boʻlishsizlik, harakatning kuchli yoki kuchsiz darajasini koʻrsatuvchi harakat tarzining sintetik shakllari; sonlarning maʼno turlarini hosil qiluvchilar, sifatning daraja shakllarini yasovchilar lugʻaviy shakl hosil qiluvchi morfemalar hisoblanadi.

**O‘QUV LUG‘ATLARI BILAN ISHLASH SAMARADORLIGINI
OSHIRISHDA ILMIIY-USLUBIY ASOSNOMANING O‘RNI**

**Bahriddinova B., Shukurova S. (KapDU)
Qurbonova Sh. (O‘zMTU)**

Tayanch so‘zlar: o‘quv lug‘ati, ta‘limiy lug‘at, maktab lug‘ati, ilmiy-metodik asosnoma, uslubiy yo‘riqnoma, so‘z tarkibi lug‘ati, lug‘atning ish uslubi, morfema, asos, qo‘shimcha.

Lug‘atdan amaliy foydalanish samarasini oshirish uchun o‘quvchida lug‘at ustida ishlash ko‘nikmasini shakllantirish talab etiladi. Shu bois o‘quvchiga lug‘at bilan ishlash samaradorligini oshirish uchun lug‘atning ish prinsipi bilan tanishtirish, mavzuga doir qo‘shimcha ma‘lumotlar, zaruriy shartli belgilar, qisqartmalarga izoh beruvchi ilmiy-metodik asosnoma ehtiyoj paydo bo‘ladi. O‘quvchi lug‘atni qo‘lga olishi bilan undan kerakli ma‘lumotni tez va to‘g‘ri topa bilishi uchun “Foydalanish bo‘yicha yo‘riqnoma”ni izlaydi.

So‘nggi yillarda o‘quv lug‘atlariga bo‘lgan talab ortib bormoqda. Ammo lug‘at bilan ishlash malakasini shakllantirmay turib ko‘zlangan maqsadga to‘la erishib bo‘lmaydi. Bu har qanday lug‘atda u bilan ishlash samarasini oshirishga xizmat qiluvchi yo‘riqnomani ilova qilishni talab etadi. Fikrlarimizni “O‘zbek tilining so‘z tarkibi o‘quv lug‘ati”ning ish uslubi bilan tanishtiradigan ilmiy-metodik ko‘rsatmani tuzish misolida bayon etamiz.

Maktab ona tili darsliklarida o‘quvchilarni tilimizning moddiy boyligi – so‘z tarkibini tahlil etishga o‘rgatish muhim masalalardan biridir. Har bir maktab o‘quvchisi o‘z ona tilisidagi so‘zlarni ma‘noli bo‘laklarga to‘g‘ri ajrata bilishi, o‘zak va qo‘shimchalarning birikish qonuniyatlari, tub, yasama, tublashgan, soddalashgan, tublashayotgan so‘zlar haqida zaruriy ma‘lumotlarga ega bo‘lishi lozim. Darslikda tilimizdagi barcha so‘zlarni tahlil uchun qamrab olish imkoniyati yo‘q. Bunday paytda o‘quvchilarga “So‘z tarkibi o‘quv lug‘ati”dan foydalanish tavsiya etiladi. So‘z asosi o‘zak lisoniy sathda leksemaga teng kelib, uning lug‘aviy ma‘nosi, o‘z yoki ko‘chma ma‘noda ekanligi, shakldoshlari, ma‘nodoshlari, talaffuzdoshlari, o‘z yoki o‘zlashma qatlamga mansubligi, tarixiy yoki zamonaviyligini aniqlash o‘quvchining so‘z tarkibi tahlilida leksikologiyadan; o‘zak va qo‘shimcha qo‘shiluvda yuz beradigan har xil fonetik jarayonlar fonetika, fonologiya, orfografiya, morfonologiyadan; qo‘shimchalarning vazifasi, tuzilishi, shakldoshlari, ma‘nodoshlarini aniqlash so‘z yasalishi, morfemika, morfologiyadan zaruriy bilimlarga ega bo‘lishini talab etadi. Lug‘atga ilova qilinadigan yo‘riqnomasida dastlab mavzuga doir qo‘shimcha ma‘lumot beriladi va keyin lug‘at bilan ishlash jarayonlari tushuntiriladi. Uni quyidagicha shakllantirish mumkin:

So‘zning ma‘noli qismlari deyilganda, odatda, o‘zak va qo‘shimchalar

6.	<i>Aspergillus</i>	10	6	4
7.	<i>Phomopsis</i>	2	1	1
8.	<i>Penicillium</i>	8	5	3
9.	<i>Dendrodochium</i>	1		1
10.	<i>Nigrospora</i>	1		1
11.	<i>Stachybotrys</i>	1	1	
12.	<i>Cladosporium</i>	1		1
13.	<i>Stemphyllium</i>	1	1	
14.	<i>Curvularia</i>	1		1
15.	<i>Bipolaris</i>	1	1	
15.	<i>Acremonium</i>	1		1
16.	<i>Verticillium</i>	1	1	
17.	<i>Gliocladium</i>	1	1	
	Жами	45	25	20

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, аниқланган замбуруғларнинг 25 та тури *Cupressaeae* ва 20 та тури *Pinaceae* oilasi vakillarida rivojlaniши кузатилди. Ўрганилган замбуруғ турларининг энг кўпчилигини *Aspergillus*, *Penicillium* *Alternaria*, *Fusarium* туркум vakillari ташкил этиши аниқланди.

Ўтказилган микологик тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, нинабаргли дарахтлар микобиотасининг шаклланишида *Fusarium sporotrichiella* Bilai., *F.nivale* (Fr.)Ces., *F.graminearum* Schw., *F. verticilloides* (Saccardo.) Nirenberg., *F.oxysporum* Schlecht. emend. Snyd., *F.majnus* Fries., *Cercospora sp 1.*, *Cercospora sp 2.*, *Phoma sp.*, *Alternaria alternata* (Fries.) Keissl., *A. tenuissima* (Kunze:Fr.) Wiltshire., *A. macrospora* Zimm., *A.sp.*, *Ascochyta conorum* Henn. *A. sp.*, *Aspergillus niger* Tiegh., *Aspergillus ochraceus* Wilhclm. *A. candidus* Link., *A. fumigatus* Fres., Raper, Fennel., *A. flavus* Link: Fr., *A.nidulans* Fres., *A. nidulans*(Eidam)Wint., *A.terreus* Thom., *A.glaucus* Link., *A.sp.*, *Phomopsis sp1.*, *Phomopsis sp2.*, *Penicillium notaium* Westling., *P. purpurogenum*(Stoll.)Samson., *P. funiculosum* Thom., *P. chrysogenum* Thom., *P. islandicum* Sopp., *P.citreo-viride* Link., *Penicillium sp.*, *Dendrodochium toxicum* Pidopl. et Bilai., *Nigrospora sphaerica* (Sacc.) Mason, *Stachybotrys alternans* Bon., *Cladosporium herbarum* (Pers.) Link. *Stemphyllium sp.*, *Curvularia intermedia* Boed, *Bipolaris sp.*, *Acremonium sp.*, *Verticillium sp.*, *Gliocladium vermoeseni* (Biourge.) Thom. турлари қатнашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2003. –11 б.
2. Билай В.И. Фузариин. –Киев: Наукова думка. 1977. – 439 с.
3. Билай В.И., Пидопличко Н.М. Токсикообразующие микроскопические грибы. –Киев: Наукова думка. 1970. –289 с.

4. Билай В.И., Брюхина И.П., Богомолова Л.А., Элланская И.А. Исследования по физиологии фузариев. В кн.: Метаболиты почвенных микромицетов. Киев: Наукова думка. 1971. –С. 3-42 .
5. Дементьева. М.И. Фитопатология. –М.: Колос., 1985.
6. Дудка И.А., Исаева Н.М., Нагорная С.С. Грибы и их роль в патогенезе рыб// Обзоры и дискуссии. Киев: Наукова думка. 1991. –С.166-167.
7. Зупаров М.А. Сравнительное изучение микофлоры ризосферы шелковицы. Автореф. дисс. канд. биол. наук. Ташкент, 1984.
8. Кирай З., Клемент З., Шоймоши Ф., Вереш Й. Методы фитопатологии. –М.: Колос, 1974. – 370 с.
9. Клейн Р.М., Клейн Д.Т. Методы исследования растений. –М.: Наука. 1974. – 340 с.
10. Коваль Э.З. Определитель энтомопатогенных грибов. Киев: Наукова думка. 1974. –С. 210-217.
11. Коваль Э.З. Картавцева З.М., Синицкий В.М. Исследования и прогнозирование грибостойкости смазочно-охлаждающих жидкостей// Микология и фитопатология. 1993. Т.27. –С. 315-319.
12. Ёзиев Л.Х. Опыт интродукции древесных растений в Южном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 2001. – 210 с.
13. Саркисов А.Х., Королева Е.С., Квашина Е.С., Грезин В.Ф. Диагностика грибковых заболеваний животных. М.: Наука. 1971. –С. 94 -109.
14. Пидопличко Н.М. Определитель болезней растений. Том I, II, III. – Киев: Наукова думка. 1977. – 439 с.
15. Шералиев А. Грибы рода *Fusarium* Link. Et Fr в Узбекистане (Систематика, распространение, биология и экология. Автореф. дисс. докт. биолог. наук, – Ташкент, – 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё вилояти ҳудудларида *Cupressaeae* F.W.Nager ва *Pinaceae* Lindl оилаларига мансуб дарахтлар микобиотасини ўрганиш давомида 17 та туркум, 45 та замбуруғ турлари аниқланганлиги, бу замбуруғлардан 25 та тури *Cupressaeae* ва 20 та тури *Pinaceae* оиласига мансуб манзарали дарахтларда ривожланиши ўрганилган замбуруғ турларининг энг кўпчилигини *Aspergillus*, *Penicillium* *Alternaria*, *Fusarium* туркум вакиллари ташкил этиши аниқланганлиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Изучение патогенных и сапротрофных грибов на деревьях семейства *Cupressaeae* F.W.Nager. и *Pinaceae* Linda. в регионах Кашкадарьинской области выявило наличие 45 видов из 17 родов. Обнаружено, что на представителях семейства *Cupressaeae* обитают 25 видов, а на *Pinaceae* - 20 видов грибов. Наиболее широко распространенными оказались представители родов *Aspergillus*, *Penicillium*, *Alternaria* *Fusarium*.

SUMMARY

45 species from 17 sorts of fungi were revealed on the *Cupressaeae* and *Pinaceae* trees in Kashkadarya region. It was shown that 25 species of the fungi live on *Cupressaeae* trees and 20 on *Pinaceae*. *Aspergillus*, *Penicillium* *Alternaria*, *Fusarium* were found to be the most prevalent in these conditions.

Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

қўлланган.

Ҳозирги ўзбек тилида “кўк кийинган” бирикмаси икки маънода қўлланади: ўсимликка нисбатан бўлса – яшил, инсонга нисбатан ишлатилса – кўк рангни англатади. Бу ҳодиса тилдаги шакл ва мазмун номутаносиблиги ёки асимметрия (асимметрик дуализм) деб аталади. Бунинг сабаби тил шакл ва мазмуннинг ижтимоий анъанавий боғланишидан иборат бирламчи рамзлар тизими эканлигидир. Рамзлар одатда икки хил бўлиб, биринчиси, сунъий рамзлар, иккинчиси, ижтимоий рамзлар саналади. Сунъий рамзлар тизимида рамзлар шакл ва мазмун боғланиши мутаносиб (симметрик) бўлади. Шунинг учун бу рамзлар фақат бир маънода қўлланади. Масалан, (1) рақами фақат “бир” сонини, (+) аломати фақат кўшишни ифодалаб келади. Тилда бу боғланиш бўлади ва ундаги муносабатлар синонимик, омонимик ёки ассимметриклик характерида бўлади.

Тилдаги шакл ва мазмун номутаносиблигининг сабаби тил рамзларининг моҳияти фақат шакл ва мазмун боғланиши билан эмас, балки тил бирликларининг турли хил муносабатлар асосида воқеланишини кузатиш орқали аниқланади. Демак, юқоридаги бирикмадаги кўк сўзининг маъноси у билан қўлланган сўзларнинг бирикишидан ташқари, унинг ситуатив хусусияти орқали аниқланади.

Умуман олганда, кўк сўзи жуда қадимдан олтой тилларида (турк, мўғул, тунгус-манчжур) ва, ҳатто, бошқа оилага кирувчи тилларда қўлланиб келинганлиги билан бирга, ҳозирги кунда ҳам кўплаб тилларда, айниқса бизнинг она тилимиз – ўзбек тили учун ҳам фаол, полесемантик сўз ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. I. СПб., 1869;
2. Zenker J. Th. Dictionnelre Turc-Arele-Regial, T. 1. Leipzig, 1866.
3. Cafaroglu A. Ecki Uygur Türkçeni Sözlüğü. Istanbul, 1968.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар). Тошкент: Университет. 2000. 223-бет.
5. Алишер Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн. Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Нашрга тайёрловчилар: Ойбек ва Порсо Шамсиев.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «кўк» сўзининг этимологияси ва унинг услубий қўлланиши тарихий далиллар асосида талқин қилинади.

РЕЗЮМЕ


В статье рассматривается этимологический анализ слова «голубой» и обосновано его стилистическое употребление на основе исторических данных.

SUMMARY

The article deals with the etymological analysis of the word «blue» and its use is justified on the basis of stylistic historical dannh.

Кўк сўзининг бу талқинини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин (1-чизма).

1-чизма



нилий. *Ало то абри найсон зинда нили,
Кияр баргуствони чархи нили* (ФШ. 17-бет)

нилгун. *Ичи бир эв, вале олам эвидек,
Не олам, нилгун торам эвидек* (ФШ. 121-бет).

хазро. *Фалакваш қасри ахзар ичра майнўш Ки, айлаб чархи
ахзарни фаромўш* (ФШ. 61-бет).

нилуфарий. XXIV боб. *Чаҳоршанба куни Баҳромнинг мовий
қисват била гунбади нилуфарийга майл қилиб, хуршеди осмоний либос
била жоми фирузагун аро кабудон майидек бода солиб нўш қилгани ва
нўшо-нўш унинг тоқи нилуфаридин ошургани.*

обгун. *Тенгизда кўргузиб андоғ шитоби Ки, чархи обгун ичра
шиҳоби* (ФШ. 123-бет).

Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз қайси рангни англатаётганлигини бирдан англаш қийин. Чунки кўк дейилганда “синий” ёки “зелёный” назарда тутилаётганлигини изоҳсиз билиб бўлмайди. Бошқа ранглар бундай эмас: қизил деганда фақат шу рангни ва унинг даражалари онгимизда акс этади, сариқ рангига нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин. Кўк сўзи эса бир-биридан кескин фарқланувчи икки белгини аташи исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аниқлаштириш зарурати туғилсагина уларнинг ўз номлари билан айтилади. Айрим ҳолларда, ҳатто кулранг тусга нисбатан ҳам кўк сўзи ишлатилади. Мисоллар: *Кўк осмон. Илгарироқ бу ерда бозорлар бўлган, тақачилар сув ичган к ў к ҳовузлардан* (М.Шайхзода). Мисолдан кўринадики, нарса-жисмларнинг туси бир-биридан бирмунча фарқ қилса-да, биргина кўк аниқловчиси

ИЖТИМОИЙ ФАҲЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИ

Муртазаева Р.Ҳ. (ЎзМУ)

Таянч сўзлар: *маҳалла, урф-одат, миллатлараро ҳамжихатлик, толерантлик, шаҳар, Тошкент, муносабат.*

Кўпгина халқлар маданияти ва анъаналарининг бир-бирига ўзаро таъсири туфайли Тошкент шаҳрида ўзига хос бетакрор муҳит вужудга келди.

Бу ерда миллати ва динидан қатъи назар, пойтахтнинг бутун аҳолиси аҳил қатта бир оила сифатида яшаб келмоқда. Шу муносабат билан тинчлик, бағрикенглик, аҳиллик маданияти тамойиллари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари миллатлараро муносабатларининг асоси бўлиб қолиши лозимлигини доимо серғаклик билан кузатиб бормоқ керак, чунки миллий ҳис-туйғуларнинг ҳаддан ташқари кучайиши тоқатсизлик феъл-атворини, ўзга миллат ва дин кишилари ҳисобига ўз талабларини қондириш иштиёқини ва экстремизм ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Пойтахт ҳокимияти миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган ишлар билан бирга, миллий маданий жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориши зарур. Тошкент, шубҳасиз, миллатлараро бағрикенглик муносабатлари қарор топган, намунали асосдаги шаҳар бўлиб қолиши лозим. Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг энг кўпмиллатли шаҳри эканлигини эътиборга олиб, “Тошкент – тинчлик маданияти йўлида” мавзусидаги шаҳар комплекс Дастурини қабул қилиш ва уни амалга ошириш бу соҳадаги муҳим амалий қадам бўлар эди.

Тошкент шаҳар аҳолисининг миллатлар бўйича таркиби

2013 йил 1 январь ҳолатига		
Миллатлар	Жами	Улуши, %
Жами	2340940	100
Ўзбек	1610817	68.81
Қорақалпоқ	6425	0.27
Рус	378144	16.15
Украин	31997	1.37
Белорус	6612	0.28
Қозок	46322	1.98
Грузин	1369	0.06
Озарбайжон	11439	0.49

Литвалик	355	0.02
Молдаван	1137	0.05
Латиш	2	0
Қирғиз	2895	0.12
Тоҷик	29171	1.25
Арман	16679	0.71
Туркман	3583	0.15
Эстон	146	0.01
Татар	91961	3.93
Яхудий	41	0
Немис	38	0
Корейс	62533	2.67
Бошқа миллатлар	39274	1.68

Бағрикенглик ҳозиргача Ер курраси аҳолиси феъл-атворининг таркибий қисмига айланган эмас. Шу боисдан ҳам бағрикенглик онгини такомиллаштириш долзарб масала сифатида кун тартибида туриши бежиз эмас.

Бу мақсадга эришмоқ учун жамиятда психологлар, педагоглар сиёсатшунослар, тарихчилар, социологлар, маданиятшунослар, файласуфлар ва шу каби олимларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ижодий бағрикенглик муносабатларини шакллантириш борасида аниқ мақсадни кўзловчи таълим стратегиясини амалга ошириш зарур бўлади.

Бағрикенглик руҳини тарбиялашда ўзимизнинг ҳолатимизни, анъаналаримиз ва маданиятимиз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, одамларнинг у ёки бу ўзгаришларни англашга ва ўзимизга боғлиқ бўлмаган шароитларнинг хусусиятларини эътиборга олишга тайёрлигини ҳисобга олиб иш тутмоқ керак бўлади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 475 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатиб келмоқда. Йиғинда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси сардорлари, жами 1900 нафар ходимлар ишлайди. 128 фуқаролар йиғини раисларини аёллар ташкил этади.

475 маҳалладан 122 таси ерли (участкалар) маҳаллалар, 181 таси кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллалар, 172 таси аралаш маҳаллаларни ташкил этади.

2013 йил октябр ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини малакасини ошириш юзасидан ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ҳам ўқув маркази ташкил этилиб, бугунги кунга қадар 1200 нафар ходимларнинг малакалари оширилди ва махсус сертификатлар берилди. Ўқув марка-

туг, (ўғуз), кўк – эгарнинг чилвири, кўк – осмон, кўк – меҳнат ва машаққат, кўк – кўкат каби маъноларда қўлланган (ДЛТ, III, 146 418-бет).

Радлов луғатида ранг билдиришдан ташқари *диш көкү* (тиш илдизи) маъносида учрайди (РДЛ, II, 1898, 121-бет).

Алишер Навоий асарларида кўк сўзи белгиликдан ташқари *осмон, дарахт илдизи, тамга, асос, овоз, тайёр, тугал* каби бир қанча маъноларда қўлланади.

Қуйида келтирилган микроматнда буюк сўз устаси Алишер Навоий шу биргина туркий калима “осмон”, “оҳанг”, “кўклам”, “қадок (қадок қўл маъносидаги)”, “ўт-ўлан” маъноларини ифодалай олиш имкониятига эгаллигини уқтириб ўтади. Бу эса кўк сўзи отлашиш хусусиятига эгаллигини ва турли мажозий маъноларда қўллана олишини кўрсатади.

Ва көк лафзын ҳам нечә маъни билә истиъмәл қылулар. Бири кўк – асмәнны дерләр. Йана көк аҳангдур. Йана көк тегрәдә көкләмдур. Йана кўк қадығны ҳам дерләр. Яна кўк сабза ва алангни дагы дерләр. Бу навъ алфәз ҳамки, уч маъни ва торт маъни ва артуғрақким, ирәда қилса болгай, көп бар-ки, фәрсий алфәзда андақ йўқтур (МЛ. 37).

Алишер Навоий асарлари тилида кўк сўзи асосан яшил ва осмон маъноларида қўлланган, кўк маъносини ўзлашма сўзлар бажарган бўлиб, улар 10 та сўз орқали ифода этилган. Бу сўзлар рангнинг даражасини ҳамда ифода услубининг ранг-баранг бўлиши учун хизмат қилган. Бу лексик бирликларни қуйидагича ТЭҚларга ажратса бўлади:

I.Арабий ТЭҚга оид сўзлар 5 та:

а) туб арабий сўзлар 4 та: *азрак, атлас, ахзар, хазро*;

б) ясама арабий сўз битта – *мовий*.

II.Форсий ТЭҚга оид сўзлар 9 та:

а) туб форсий сўзлар 5 та – *кабуд, нилгун, нилий, нилуфарий, обгун*;

б) ясама форсий сўзлар 4 та: *нилгун, нилий, нилуфарий, обгун*.

Мисоллар келтирамыз.

кабуд. *Мунча коминки, берди чархи кабуд,
Уйла бир дамда айлади нобуд* (СС. 244-бет)

азрак. *Бири азрак либос аҳли хирад,
Бўлуб оромгоҳи кўк гунбад* (С.С.)

атлас. *Бўлуб сақф ўрнига авжи муқарнас, Бисоти узра ёйди
чархи атлас* (ФШ. 25-бет)

мовий. *Йўқ, йўқки, бу етти жирми мовий Анда етти чобуки
самовий* (ЛМ. 6-бет)

ахзар. *Эрур эгнингда ахзар хилъат ул нав,
Ки, гулбун баргидин тўн қилса насрин* (Ғ.С.)

Кўк ва унинг фонетик вариантларининг юқоридаги маъноларини таҳлил этиш спекторнинг қора рангидан сариқ рангига ўтиш ҳолатига мойиллигини, умуман олганда эса кўк сўзи умумтуркий эканлиги аён бўлади. Яъни, “кулранг” белгиси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бироқ аксарият ҳозирги туркий тиллар учун “кулранг”, “яшил” ва, ҳатто, “кўк” сўзларининг маънолари ўзлашганлик, шевага хослик характерини касб этади. Масалан, турк тили учун “кўк, ҳаворанг” (мовий) араб тилидан, “тўқ кўк” (ложувард) форс тилидан, “кулранг” (grī) француз тилидан ўзлашган. Деярли туркий тилларнинг барчаси учун яшил ранг *гә:к ~ көк – йашы:л ~ йашил* сўзлари орқали ифода этилади.

Ўзбек тилидан бошқа туркий тилларнинг кўпида *гә:к ~ гөк ~ көк* сўзларининг “осмон” маъноси унутилган.

Бу сўзга “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да куйидагича изоҳ берилди:

КЎК «мовий», «зангори». ... *ҳовузнинг жимир-жимир тебрана-ётган к ў м-к ў к сатҳига ... бир неча дақиқа қараб турди-да, ...* (Хамид Ғулом). Қадимги туркий тилда шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу сифат асли *кә:к* тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 67), кейинроқ *ө:* унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 395; Девон, III, 146; ДС, 312. *ко:к* VI), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: *кө:к > көк > кўк* (4).

Кўк сўзи катта тарихий даврни босиб ўтган. У «Кул-Тәгин» обидаларида ҳам шу бугунги маъносида учрайди: **үзә көк тәңри асра яңыз йыр қылыңтуқда, әкин ара киси оғлы қылынмыс.**

Мазмуни: *Юқорида кўк осмон, настда қорамтир ер яратилганда улар ўртасида инсонлар яратилганлар.*

«Девону луғотит турк»да кўк сўзи *көк – кўк* ранг, *көк тон – кўк тўн, көк жувут* (чувуш) – *тўқ кўк* ранг (сунъий ранг), *кәнд көки – шаҳар кўкаламзори* маънолари учун қўлланган (ДЛТ, III т. 146-бет).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида яшил семасини ифода этган:

Қуримыш йығачлар тонанды йашыл,

Безәнди йапун ал, сарыг көк, қызыл (Қ. блг. 1971, 72-бет).

Мазмуни: *Япрогини тўккан дарахтлар (яна) яшил кийинди, Ол, сариқ, кўк, қизил ранг билан безәнди.*

Шу асарда яшил ва кўк сўзларини ёнма-ён келтириш бир нарса-жисм рангининг аниқ изоҳи учун қўлланади: *Бу турлуг чечәк ердә мунчә бедиз йазы-таг йер обры йашыл көк меңиз* (Қ. блг. 1971, 76-бет).

Мазмуни: *Бу турли чечак(лар) ерга шунча кўрк берган, текисликлар, тоғлар, ер, чуқурликлар яшил кўк тусда.*

Кўк сўзи жуда кўп омонимик вариантларга ҳам эга: кўк – осмон, кийимга солинадиган складка, овқатга солинадиган кўкат каби маъноларни англатади.

«Девону луғотит турк»да кўк – ранг маъносида, *асл, томир, таг-*

зида профессорлар, юқори малакали психолог ва мутахассислар дарс берадилар.

Ҳозирги кунда барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз идораларига эга бўлиб, барча идоралар компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминланган. Ҳаттоки барча компьютерлар Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган махсус интернет тармоғига уланган бўлиб, маҳаллалар ва туманлар ўртасида ўзаро боғланиш ҳамда зарур бўлган ҳужжатларни алмашиш йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳрида 200 га яқин маҳаллалар “Намунали маҳаллалар” қаторига киритилган. Мустақиллик даврида ушбу маҳаллалар идоралари замон талаблари асосида қурилди ва қайта реконструкция қилинди. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан 10 та маҳалла фуқаролар йиғини идоралари қайта мукамал таъмирдан чиқарилди. Учтепа туманидаги “Латифгузар” ва Мирзо Улуғбек туманидаги “Алпомиш” маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари янгитдан қурилиб фойдала-нишга топширилди.[1]

Учтепа туманидаги “Кўкча Оқтепа”, “Боғистон”, “Журдоний” номли, Олмазор туманидаги “Қорасарой”, “Гузар боши”, “Университет”, Ғаъни Аъзамов номли, Юнусобод туманидаги “Оқтепа”, “Бодомзор”, “Оқилон”, “Камолон”, “Ўрда”, “Гулобод”, Яккасарой туманида “Туркистон”, Абдулла Қаҳҳор номли, “Қушбеги”, Мирзо Улуғбек туманида Алишер Навоий номли, “Олтинтепа-10”, “Олимлар”, Нодирабегим номли, Чилонзор туманида “Бешқўрғон”, 2-Чарх Камолон, “Чилонзор”, “Дўмбиробод” маҳалла фуқаролар йиғинларида ишлар намунали йўлга қўйилган.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан маҳалла фуқаролар йиғинларидан 5 нафари “Меҳнат шуҳрати” ордени, 12 нафари “Шуҳрат” медали, 6 нафари “Дўстлик” ордени, 5 нафари “Эл-юрт хурмати” ордени ва 1 нафари “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени билан тақдирланган.

Кейинги беш йил давомида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқарувининг бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан имзоланган Кўшма қарорига асосан маҳаллалар ўртасида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи”, “Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловларини ўтказиш анъанага айланди.

2015 йилда Тошкент шаҳрида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” танловининг Тошкент шаҳар босқичида Яшнобод туманидаги “Беҳизор” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Мазкур маҳаллада оилавий ажримларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилиб, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги “Яраштириш комиссияси” иш фаолияти намунали йўлга

қўйилган, ҳозир уларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

2014 йилда Шайхонтоҳур туманидаги Шофайз номли маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида учинчи ўринни қўлга киритган. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида “Ота-оналар университети” жамоат тузилмаси ишчи гуруҳи томонидан ижобий ишлар олиб борилиб, уч йил давомида ўз фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар рўйхатга олинмаган.

2015 йилда “Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат-чиси” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги “Чилонзор” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мақсудова Марҳамат Зуфаровна Бухоро шаҳрида ўтказилган танловнинг республика босқичида ҳам биринчи ўринни эгаллади. Ушбу маҳаллада “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими борасида олиб борилаётган ишлар намунали йўлга қўйилган. Танловда унинг “Ота-оналар университети” соҳасида олиб борган ишлари намунали деб топилиб, иш тажрибалари оммалаштирилди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви қошида “Маҳалла зиёси” ўқув-услубий маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. 2014 йилда мазкур Марказ томонидан 13 турдаги услубий қўлланмалар, 8 турдаги маҳалла фаолиятига доир бўлган рисоалар чоп этилиб тарқатилди.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги” ва “Маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида”ги (2013 йил 22 апрель) Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 октябрдаги 247-сонли қарори билан барча маҳалла фуқаролар йиғинларида 8 та асосий йўналишдаги комиссиялар Низомлари ва 5 та иш юритиш бўйича жами 13 та Низом тасдиқланди. Ушбу комиссиялар жамоатчилик асосида иш юритмоқдалар.

Мазкур комиссияларга раис қилиб маҳалла фуқаролар йиғини раисининг сайлов жараёнларида сайланган маслаҳатчилари тайинланади. Мазкур комиссиялардан 2 тасини, яъни “Яраштириш комиссияси” ва “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси” раислигини бевосита фуқаролар йиғини раисининг ўзи бошқаради.

Аҳоли, айниқса, аёллар ўртасида турли диний экстремистик оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Шайхонтоҳур Учтепа ва Олмазор туманларида “Аёллар маслаҳат марказ”лари ташкил этилди. Ушбу марказларнинг ташкил этилишидан асосий кўзланган мақсад, энг аввало, уй бекалари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларни ҳал этишда қўмаклашиш, уларга кўрсатиладиган барча хизматлар бепул

“КҶК” СЎЗИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАЛҚИНИ ХУСУСИДА

Жумаев Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *фонологик чўзиқлик, фонетик чўзиқлик, юмшоқлик белгиси, тарихий этимологик қатлам, туркий алфоз, форсий алфоз.*

КҶк сўзи жуда қадимдан туркий тилларда турли-туман фонетик вариантлар билан яшаб келади. Масалан, *кок*, *к:ок* шакли туркман, олтой, *көк* – хакас, *куох* – ёқут, *кавак* – чуваш, *гөк* – турк, гагауз, *кўмик*, ўзбек тилининг хоразм шеваларида, *كوك* – усмонийлар тилида, *gög, gö, göv, g'oq, gog', goo, кок* – турк тилининг шеваларида, *kâk* – тофалар тилида, *кок* – хакас тилида, *кук* – татар, бошқирд тилларида.

Бу тилларда *к* ундошидан кейин келадиган *о* унлисининг юмшалиши фонетик қонуният, ўзак сўнгида келадиган *г* нинг юзага келиши икки қонуният асосида содир бўлади: биринчидан, тарихий чўзиқлик асосида ўзакдаги ундош таъсирида, иккинчидан, *г:өк* ўзагидаги ундошларининг ўзаро таъсири натижасида. Чунки *-к~ -г* ундошларининг ўзаро алмашилиб келиши қадимги *-қ* ясовчисининг фонетик вариантлари ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, масалан, турк тилидаги жарангсиз *к* интервокал ҳолатларда ҳам сақланиб қолиши бу фикрнинг исботи ҳисобланади: *ко:кс* “бўғирсоқ, пиширик”, аммо иккинчи чўзиқлик ҳолатидаги *г* нинг сақланиши баҳсталаб ҳодиса ҳисобланади; бу сўзнинг *ког* варианты манбаларда ҳам, шеваларда ҳам учрамайди. Туркий тилларда бу сўз қуйидаги маъноларни ифода этади:

- 1) деярли барча манбаларда “осмон” маъносида;
- 2) мотам кийими;
- 3) мовий, хаворанг, ложувард;
- 4) кўк;
- 5) пишмаган мева ранги;
- 6) ўт-ўлан;
- 7) бўзранг;
- 8) соч оқи;
- 9) қип-қизил, арғувоний (1);
- 10) қора (2);
- 11) қирғиз эпосларида ботирлик тимсоли;
- 12) олтой тилида худо;
- 13) тун (3).

Манбаларни синчиклаб ўрганиш бу сўзнинг бир қатор ўсимлик ва қушлар билан боғлиқ номларни ҳам англатишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова В. Ижтимоий психологияда хотин-қизлар раҳбарлиги муаммосининг ўрганилиши // *Psixologiya*. –Тошкент, 2011. –№2. –Б. 9–13.
2. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. –Тошкент: YUNAKS-PRINT МЧЖ, 2006. –232 б.
3. Шамиева О. Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психол. фанл. номз. диссертацияси. –Тошкент, 2000. –151 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада аёл раҳбарнинг иш фаолияти давомида юз берадиган муаммолари ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот натижалари эркак ва аёл раҳбарларнинг иш фаолият давомида эришадиган муваффақиятлари орасида тафовут бўлмаслигини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена рассмотрению проблемы роли и места женщин-руководителей в управленческой работе. Результаты исследования свидетельствуют об отсутствии практических различий у мужчин и женщин-руководителей в достижении успеха в профессиональной деятельности.

SUMMARY

Article is dedicated to consideration of the problem role and place of the womans-leaders in management work. The Results of the study are indicative of absence practical difference beside mezhchin-leaders and womans-leaders in achievement of the success.

Наишга псих. ф. д. А.Жабборов тавсия этган

амалга оширилади. Марказга раҳбар сифатида малакали психолог, ҳуқуқшунос ва тиббиёт ходимлар жалб этилган.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари” ҳамда “2012-2016 йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш” Дастурлари доирасида жорий йилда фуқаролар йиғинларининг янги идораларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича талай ишлар амалга оширилди, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Аҳрор Ғуломов, – режага асосан 15 та маҳалланинг капитал, 20 тасининг жорий таъмирланиши, 28 та йиғинга компьютер жамланмалари, 36 тасига мебель жиҳозлари олиб бериш кўзда тутилган”. Айни пайтгача Юнусобод туманидаги “Гулистон” ҳамда Олмазор туманидаги “Хончорбоғ” маҳаллаларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди, 25 та маҳалланинг биноси реконструкция қилинди.

Худудларнинг ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган вазифалар маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида бажарилаётганини инобатга олсак, ушбу институтнинг замонавий биноларда фаолият юритиши давр талаби эканини англаймиз [2].

Шу мақсадда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Аҳиллик” маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино куриш учун Фонднинг туман бўлинмаси ҳисобидан 53 миллион сўм маблағ ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Миробод туманидаги “Оқ уй”, “Янги замон”, “Толарик”, “Биродарлик”, Олмазор туманидаги “Чуқурсой”, “Қичқирик” маҳаллалари бинолари реконструкция қилинди ҳамда “Ачаобод”, “Ёшлик”, “Эски шаҳар”, “Чимбой”, Ғани Аъзамов номидаги ва “Туручарик” маҳаллалари жорий таъмирдан чиқарилди.

Сергели туманидаги “Дўстлик”, Яшнобод туманидаги Амир Темура, Ал Бухорий номидаги ҳамда “Моҳинур” маҳалла идораларини таъмирлаш ишлари давом этапти. Чилонзор туманидаги “Ботирма”, “Дўстлик”, “Катта Хирмонтепа” маҳалла фуқаролар йиғинларини таъмирлаш мақсадида фонднинг туман бўлинмаси томонидан 42 миллион сўм, Юнусобод тумани “Минор”, “Янгиобод” маҳалла идораларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 40 миллион сўм, Яккасарой тумани “Конституция” ва “Бошлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлаш мақсадида эса 40 миллион сўм маблағ ажратилди.

–Авваллари идорамизда фуқароларни қабул қилишга мутлақо шароит йўқ эди. Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 22 йиллиги арафасида йиғинимиз биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ишлар

фаолиятимизда самарадорликка эришишда муҳим омил бўляпти, – дейди Яккасарой туманидаги “Конституция” маҳалласи раиси Набижон Пўлатов.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида 3 та маҳалла фуқаролар йиғинларига компьютер жамланмаси, 49 тасига мебель жиҳозлари, 2 тасига нусха кўчириш аппарати олиб берилди. Ушбу мақсадларга фонд бўлинмалари ҳисобидан 50 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, Соғлом бола йилида “Намунавий маҳалла” Дастури доирасида пойтахтимиздаги 375 та маҳалладан ҳар чоракда иккитасини намунали ҳолатга келтириш кўзда тутилган. Шу пайтгача Бектемир туманидаги “Роҳат”, “Миришкор”, Миробод туманидаги “Файзобод”, “Парвона”, Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурҳонов ҳамда Алишер Навоий номидаги, Яшнобод туманидаги “Янги давр”, “Иқбол”, Учтепа туманидаги “Истироҳат”, Чилонзор туманидаги “Чилонзор”, “Навбахор”, Шайхонтоҳур туманидаги “Тинчлик”, “Илғор”, Юнусобод туманидаги “Бободехқон”, Яккасарой туманидаги “Дама-рик” маҳалалари намунали қиёфага келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ташкил этилаётган замонавий маҳалла гузарлари юрт ободлигини таъминлаш билан бирга меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик маскани сифатида ҳам эъзоз, эътибор топмоқда.

Маҳалла том маънода “Она юрт рамзи”, “Халқ виждони”, “Таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси”, “Демократия фуқаролик идораси” ҳамда “Демократия дарсхонаси”га айланди. Ўзбек давлатчилиги тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси мамлакатимизнинг Бош қомусига киритилиб, конституциявий мақоми мустаҳкамланди. Маҳаллага оид кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, иккита – “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ватанимизда маҳалла институтининг тикланиши ҳамда ривожлантирилиши миллий, умуминсоний қадриятлар – дўстона ва аҳил-иноқ қўшничилик, ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жамият олдидаги ўз бурчини, масъулиятини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига риоя қилмоқда.

Мамлакатда аҳолини, айниқса, унинг ночор қисмини маҳалла институти орқали ижтимоий ҳимоялашнинг бетақрор тизими ҳаёт синовидан ўтди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ижтимоий адолат тамойилига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажараётган саховатли ишлар фуқаролар уйлари таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга қорамоллар ажратиш, фарзандларининг ёзги дам олишларини ташкил этиш, тўйларни тартибли ўтказишда ҳам намоён бўлмоқда.

назар, ҳар бир бир хотин-қиз раҳбарнинг меҳнатини намунали ташкил этиш, унинг меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсишини таъминлаш, раҳбарнинг иш ўрнини ташкил этиш ва уларга хизмат қилишни яхшилаш, соғлиғини сақлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, меъёрлаштириш каби масалалар маъмурий бошқарув соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида, хотин-қиз раҳбарлар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш техникавий, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар комплексидан иборат бўлишини кўзда тутган ҳолда, бу тадбирлар асосини куйидаги йўналишлар ташкил этиши зарур, деб ҳисоблаймиз:

- хотин-қиз раҳбарларнинг самарали ишлашлари учун ҳар томонлама қулай иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат қилишни янада яхшилаш: оқилона режалаштириш, замонавий техник воситалар билан қуролланиш, сифатли ва қафолатланган хизматлар;

- раҳбар хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш: маънавий-ахлоқий муҳит, меҳнат муҳофазаси, психофизиологик шароит, меҳнат гигиенаси, эстетик шароит (ранг, жиҳоз, майин мусиқа ва бошқалар);

- хотин-қиз раҳбарлар меҳнатини ташкил этишда илғор тажрибалардан фойдаланиш, уларни тегишли бўлмаган функциялардан озод қилиш, ўз шахсий ишини тўғри режалаштириш, бошқарув ишида ўзи учун энг қулай ва замонавий усуллардан фойдаланишга ўргатиш;

- бошқарув муҳитида гендер стереотипларини тўғрилаш, хотин-қизлар орасидан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, маъмурий бошқарувда кадрлар сиёсатини тўғри амалга ошириш, хотин-қиз раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксизлигини таъминлаш, кадрлар захирасини тайёрлаш;

- раҳбар хотин-қизларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, уларда имидж ва етакчилик сифатларини шакллантириш бўйича хотин-қизларга маслаҳат бериш марказларини ташкил этиш;

- хотин-қиз раҳбарлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, бунинг учун рағбатлантириш усулларини замонавийлаштириш ва улардан тенг нисбатда фойдаланиш, меҳнатга қараб ҳақ тўлашнинг энг илғор тажрибаларини жорий этиш;

- аёл раҳбарларнинг янада самаралироқ ишлашлари учун уларга фарзанд тарбиясига кўмаклашувчи мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини янада кучайтириш, моддий таъминотини яхшилаш ва турли имтиёзлар бериш;

- аёлларнинг ижтимоий фаоллиги, аввало, оиласидаги ижтимоий-руҳий муҳит билан бевосита боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда, оилаларда соғлом руҳий муҳитни яратиш: оилавий муносабатлар маданиятини юксалтириш, эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштириш, тенглигини таъминлаш ва бошқалар.

ўринларга қўядиган бўлиб борадилар.

Психолог И.Маҳмудовнинг фикрича, эркак раҳбар асосий диққат-эътиборини ишлаб чиқариш муаммоларига тааллуқли вазифаларга қаратса, аёл раҳбар кўпроқ жамоанинг ижтимоий-психологик жиҳатларига, психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратади. Худди шу боисдан эркак ва аёл менежерларга хос жинсий психологик фарқнинг бўлиши табиий, лекин жамоа олдидан турган вазифани бажариш, кўзланган мақсадга эришиш борасида жинсий тафовут кузатилмайди. Муаллифнинг таъкидлашича, раҳбарлик ишидаги барча муваффақиятларнинг асл сабаби жинсга хос бўлмаган омиллар билан белгиланади. Жумладан, интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба бошқарув самарасини таъминлайди.

Психолог О.Шамиеванинг тадқиқотлари раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Унинг фикрича, хотин-қизлар ўзларининг психологик ривожланишига кўра маълум бир ёш даврларида ҳатто эркаклардан ҳам устунлик қиладилар. Жумладан, ривожланишнинг илгарилаб кетиши мактабгача ёшдаги қиз болаларда кучлироқ кузатилади. Бу ёш даврида қиз болалар нутқий, ақлий, ижтимоий психологик ривожланганлиги билан ўғил болалардан анча илгарилаб кетадилар. Ўқувчилик даврида эса қизлар ўғил болаларга нисбатан ўзларининг интизомлилик, қатъийлик, масъулиятлилик, ташкилотчилик сифатларида устунлик қилади. Шунингдек, бу анъана, яъни етакчилар орасида қизлар кўпчилиги талабалик даврида ҳам давом этади. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, юқорида келтирилган омилларга қарамай, кейинги ёш босқичларида ва фаолият турларида раҳбар аёллар миқдори кескин пасайиб боради. Мазкур ҳолат аёллардан раҳбар, етакчи сифатида етарли даражада фойдаланилмаётганликдан далолат беради.

Маълумки, бошқарувда тенг имкониятларни таъминламаган мамлакат маданиятли демократик давлат сифатида тараққий этмайди. Бунда аёлга нисбатан патриархал-консерватив муносабатлардан воз кечган ҳолда кадрлар сиёсатини шакллантириш, хотин-қизларни бошқарув фаолиятига жалб этиш бўйича жамоат онгини ўзгартириш, шунингдек, хотин-қизларнинг ўзлари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш заруратини англашларига эришиш муҳим ўрин тутаяди. Бунинг учун раҳбар аёлларни замон талаблари даражасида тайёрлаш, уларнинг маҳоратларини ошириш, кадрлар захирасини вужудга келтириш, фаолият кўрсатаётган тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослаштирилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида махсус дастурлар асосида ўқитиш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий манбаларни ўрганишимиз ва олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, хотин-қиз раҳбарларнинг самарали ишлари учун, аввало, уларнинг меҳнатларини илмий асосда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Каттами, кичикми, қайси мансабда бўлишидан қатъи

Маҳаллалар ёшларни иқтиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишига жалб этишга ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда маҳаллаларда ташкил этилган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда [3].

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари тобора такомиллашиб, вазифалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириши талаб этилади.

Бу мазкур тузилмалар ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарув маҳоратларини ошириш заруратини ҳам туғдирди. Шу мақсадда мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларидаги фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), масъул котиблари, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси сардорларининг ўқув семинарлари ташкил этилди.

Умуман, маҳалланинг ҳаётий масалаларини адолатли ҳал этишдаги ролининг бекиёс ортгани, эҳтиёжмандларнинг ҳуқуқий мададкори ва ғамхўри тимсолига айлангани туфайли унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи тобора кучайиб борапти. Бу эса мамлакатимизда фуқаролик жамияти сифат жиҳатидан ривожланишнинг янги босқичига кўтарилаётганлигининг ифодасидир.

Таклиф ва мулоҳазалар:

– ёш авлодни китоб ўқишга интилишини кучайтириш ҳамда ёшлар тарбиясида ижобий натижаларга эришиш мақсадида битта ёки бир нечта маҳаллалар учун кутубхоналар ташкил этиш;

– маҳаллалар фаолиятида ҳудудда яшаётган олимлар салоҳиятидан кенг фойдаланиш;

– давлат ва нодавлат ташкилотлар билан маҳалла институти ўртасидаги ижтимоий шериклик механизмини мутахассислар томонидан яратиш;

– Тошкент – Ўзбекистоннинг энг кўп миллатли шаҳри эканлигини ҳисобга олиб “Тошкент – тинчлик маданияти йўлида” номли шаҳар комплекс дастурини қабул қилиб, амалга ошириш;

– Ўзбекистон – ёшлар давлати эканлигини эътиборга олган ҳолда “Қамолот” ёш вакилларини маҳалла тизимида қаратиш;

– маълумки, маҳалла – миллий давлатчиликнинг ноёб ёдгорлиги, ўзини ўзи бошқарувининг энг ноёб усули ҳисобланади. Халқимизнинг шарқона, эзгуликка йўғрилган турфа анъаналари, урф-одатлари, хусу-

сан, меҳр-шафқат, мурувват, тўй-маъракада жамоанинг ҳамжиҳатлиги каби инсонийлик фазилатлари маҳалла ҳаётида ёрқин акс этади.

Шунингдек, маҳалла ҳалқимизнинг олис тарихига, анъаналарига, унинг бой маънавий, ахлоқий қадриятларига чамбарчас боғлиқ бўлган бағрикенглик мактаби ҳамдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлар сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан шу муҳитда камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин”. Маҳаллани бағрикенглик рамзи эканлигини эътиборга олиб, бу масалада ўтказилаётган барча тадбирларда бағрикенглик тамойилларига махсус эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ;

– мамлакатимизнинг келажаги ёшлар қўлида. Келажак авлод тарбиясининг энг асосий жиҳати – маънавий соғломликдир. Тарихимиз миллатимизнинг ҳақиқий тарбиячиси, унинг тарбиячилик роли кундан кунга тобора ортиб бормоқда. Ватанпарварлик, миллий ифтихор, миллий ғоя, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик руҳида тарбия энг муҳим масала ҳисобланадиган таълим-тарбияда бағрикенглик масаласини кенг ёритиш.

Фойдаланган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 29–31-бетлар.

2. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи, 2015 йил 13 январь.

3. Буюк аждодларимиз мероси – бутун инсониятнинг маънавий бойлиги. Президент И.А.Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2014 йил 16 май.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Тошкент шаҳри маҳаллаларининг миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, мустақиллик йилларида маҳаллаларнинг ўз-ўзини бошқарув органи сифатида ривожланиши кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе конкретных фактов раскрывается деятельность махаллей города Ташкента по укреплению межнационального согласия и толерантности, а также показано развитие махалли как органа самоуправления в условиях независимости Республики Узбекистан.

SUMMARY

In article activity mahalla of the city Tashkent opens on base concrete fact on fortification between nation of the consent and tolerant, as well as is shown development mahalla as organ of the home rule in condition of independence of the Republic Uzbekistan

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

асосини ташкил этади.

Сўнгги йилларда жаҳон психологияси фанида раҳбарликдаги гендер фарқлар, жинсий ижтимоийлашув, жинсий стереотиплар, эркак ва аёл раҳбарларнинг шахсий сифатлари, бошқарувчилик имкониятлари, хотин-қизларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирда жаҳон психологлари олдида замонавий аёл раҳбарнинг ижтимоий-психологик кифасини яратиш, унинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти ва бошқа инсоний тузилишларини ўрганиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилган.

Жаҳон психологиясида эркак ва аёл раҳбарлар муваффақиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми, деган саволга жавоб топиш учун кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, хорижда В.И.Румянцева (1989), А.А.Демченко (1994), А.Е.Чирикова (1996), О.Н.Кричевская (1996), И.Н.Логвинов (1996), Н.В.Ходырева (1997), Т.В.Бендас (1999, 2000), Н.В.Ходырева (2000), мамлакатимизда В.Каримова (2011), И.Маҳмудов (2006), О.Шамиева (2000), Ф.Ақромова (2007) ва бошқаларнинг тадқиқотларида раҳбарликдаги гендер фарқлар, жинсий ижтимоийлашув, жинсий стереотиплар, эркак ва аёл раҳбарларнинг шахсий сифатлари, бошқарувчилик имкониятлари, хотин-қизларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш, эр-хотин ўртасида ролларнинг тақсимланиши масалалари чуқур ўрганилган.

В.Каримованинг гендер-менежментга бағишланган изланишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда аёлнинг у ёки бу бошқарув лавозимини эгаллашга мос ёки мос эмаслиги, эркак ва аёл раҳбарлар муваффақиятга эришишидаги фарқлар, уларнинг иш услублари, шахс хусусиятлари, фазилатлари ва жинсий тафовутлари ҳақида муайян фикрлар билдирилган. Олима ва унинг шогирдлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар шундан дарак берадики, эркак ва аёл раҳбарларнинг бошқарувда муваффақиятга эришишларида айтарли катта фарқ, тафовутнинг мавжуд эмаслиги кузатилган. Ҳатто айрим жабҳаларда, жумладан, муомала маданиятида, ўз фикрини ҳимоя қилиш, омма олдида дадил гапириш, суҳбатдошни эшитиш ва ҳолатини тушуниш, яъни эмпатия ҳисси бўйича аёл раҳбарлар эркакларни ортга қолдирганлар.

Муаллифнинг эътироф этишича, айнан катта сиёсат билан шуғулланувчи аёллар сони эркакларга нибатан анча кам бўлса-да, давлат раҳбарлиги, олий мажлис, сенатлар, конгрессларда фаолият кўрсатаётган аёлларнинг шахсий сифатлари шкаласида соф аёллик сифатларидан ташқари, эркакларга хос бўлган таваккалчилик, шижоат, матонат, сабр-бардош, фаоллик, интилувчанлик, юқори маданият, фикрлашнинг аналитик қобилияти каби қатор сифатларни ўзида мужассам этганлар. Аёл киши раҳбарлик лавозимида юқорига кўтарилган сари, ўзида эркакларга ўхшаш сифатларни кўпроқ намоён этишга мойил бўлиб бориб, оила манфаатларини эса секин-аста жамиятникидан кейинги

ГЕНДЕР-МЕНЕЖМЕНТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Ёзиев Э. (ҚарДУ)

Таянч сўзлар: *мустақиллик, давлат, жамоа, бошқарув, касб-хунар, аёл раҳбар, қарамлик, облик, маҳорат, мустақил фикрлаш.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамият бошқаруви соҳасида инсон омилини фаоллаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, юртбошимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда эркинликларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши натижасида хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни янада бойиди. Шу боис ҳам ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида эркалар билан бир қаторда хотин-қизлар, хусусан, аёл раҳбарлар фаолият юритаяпти. Албатта, бу аёлларга эҳтиром, ҳурмат рамзини англантиш билан бирга, уларда фаоллик, фидойилик, мағрурлик, ғурур, шижоат, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотади, ички руҳий захираларини ишга туширади.

Дарҳақиқат, аёлларимизда улкан салоҳият бор. Бунга ўтмишдаги момоларимизнинг ҳаёти, кўрсатган жасоратлари мисол бўла олади. Тўмарис момомиз тенгсиз ақл-заковати, шижоати билан юртимиз тупроғига бостириб кирган босқинчиларни даф этган. Амир Темурдек буюк бобомизга ҳам давлат ишларини бошқаришда Бибихоним доимо маслаҳатгўй бўлган. Буюк подшоҳ Заҳриддин Бобур ҳам бутун умри давомида, давлат бошқарувида аёл шахсиятига юксак эътибор билан қараган. Унда аёллар кадр-қимматини жойига қўйиш, иззатларини бажо келтириш устун бўлган, зарур бўлганда Қутлуғ Нигорхоним, Эсан Давлатбегим, Хонзодабегим ва бошқа аёллар билан давлат ишлари муаммоларига оид масалаларни бамаслаҳат адо этган, уларнинг фикрини инobatга олган. Боиси хотин-қизлардаги муомала маданияти, тинглаш маҳорати, ўзини тия билиш, вафо ва садоқат, ошқоралик, самимийлик, хушмуомалалик, тўғрисўзлик, жавобгарлик, нафосат, масъулият ва бошқа инсоний фазилатлар улар тимсолининг

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ АСТРОНОМИЯ МАКТАБИ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Шарипов Ф., Кўчаров Ж. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *академия, «Байтул-ҳикма», расадхона, “Дорул ҳикма ва маориф», «Хоразм Маъмун академияси», диоптр, Трансоксиана, фалакиётшунослик, «Нақши жаҳон», секстант, “Зижи жадиди Кўрагоний», мажастий, “Прдомус астрономия».*

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври Марказий Осиё фани ва маданияти тарихида ниҳоятда муҳим босқични ташкил этади. Темурий шаҳзодалардан бири Мирзо Улуғбек фан ва маданият тараққиётига энг кўп ва салмоқли ҳисса қўшган ҳукмдорлардан бирidir. У Самарқандда биринчи астрономия академиясига асос солган сиймо сифатида дунёга ном таратди.

XV асрда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандда илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимларнинг ижодий фаолияти, астрономия ва математика фанлари соҳасида қилган кашфиётлари, яратган нодир асарлари билан илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларининг салмоғига қараб, Улуғбекнинг астрономия мактабини ўз даврининг академияси дейиш мумкин.

«Академия» атамаси афсонавий қаҳрамон «Академа» номидан олинган. Унинг номи билан Афина яқинидаги бир шаҳар ҳам Академия деб аталган. Академия – баъзи илмий ва ўқув ташкилотларининг номидир. Фан тарихида академиялар жуда кўплаб тузилган. Қадимги юнон файласуфи ва математиги Афлотун (Платон, мил. авв. 429–348 йилларда яшаган) академия ташкил қилган ва бу академия биноти пештоқиға «Бу ерга геометрияни билмаганлар кирмасин», деб ёздириб қўйган [1:13].

Кейинги академия араб халифалиги даврида ташкил топган, уни халифа Ал-Маъмун (813-833) Бағдодда ташкил этган. У арабчада «Байтул ҳикма» яъни «Ҳикматлар уйи» деб аталган. Бу академияда жуда кўп йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, унда бой кутубхона, яхшигина жиҳозланган расадхона ҳам бўлган. Расадхонада сайёралар ва юлдузлар кузатилган. Мазкур академия 200 йил фаолият кўрсатган. Академияда Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний каби мовароуннаҳрлик олимлар ижод қилиб, ўрта аср илму фанига бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Ундан кейинги Хоразм Маъмун академиясига 1004-1005 йилларда асос солинган. Ушбу илм маскани Марказий Осиёдаги илк академия ҳисобланади. Академиянинг «Маъмун» дейилишининг сабаби Маъмуний хоразмшоҳлар даврида (997–1017 йиллар) уларнинг ҳомийлигида ташкил қилиниб, у «Дорул ҳикма ва маориф» (Билимдонлик ва маориф

уйи) деб аталган [2:75].

Академия 1017 йилда ўз фаолиятини тўхтатишининг сабаби Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмуннинг исёнчилар томонидан ўлдирилиши бўлди. Хоразм Маъмун академиясида илм-фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган ва ҳинд, араб, юнон олимларининг ишлари ўрганилган. Бу ерда машҳур кимёгарлар, табиатшунослар, тиббиётчилар, математиклар, астрономлар, муҳандислар, мантиқшунослар, файласуфлар, тарихчилар, географлар илм-фаннинг деярли барча соҳалари бўйича ижод қилдилар. Айниқса, Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъди Абулхайр ибн Ҳаммар, Абу Аҳл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳи ал-Журжоний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Саҳри, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид ал-Хоразмий кабиларнинг хизмати катта бўлди [3:381].

Дарҳақиқат, ўзбек халқи жуда кўҳна ва бой миллий-маданий меросга эга эканлигига Хоразм Маъмун академияси гувоҳлик беради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармонининг ва 2006 йил кузида Республикамизда «Хоразм Маъмун академиясининг» 1000 йиллигининг нишонланиши ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий-маданий меросни тиклаш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатдир [4:49].

Ўрта асрларда мусулмон Шарқда аниқ мақсадларга йўналтирилган расадхоналар бунёд этилган. Уларнинг ишлаш тамойилига қараб диоптр-туйнукли, «вақт хизмати», илмий-жиҳозли ва «нур қайд қилувчи» иншоотли расадхоналарга ажратиш мумкин.

Туйнук орқали ёриткичларни кузатиш услубидан қадимги «Амон-Ра эҳроми»да (Миср, мил. авв. XVI-XIасрлар), Англиядаги «Стоунхенж тошлари» (мил. авв. 1900-1600 йиллар) ва «Қўйқирилган қалъа» (мил. авв. 356-329 йиллар) расадхоналарида ва кейинчалик эса Чиллахона (Тошкент, IX-X асрлар), шунингдек Рай шаҳри (Эрон, X аср) ва Улуғбек (Самарқанд, XV аср) расадхоналарида ҳам фойдаланилган [5:11].

XV асрда Самарқандда ташкил қилинган Улуғбек академиясини тан олган ва дунёга таратган киши бу – француз ёзувчиси, файласуфи ва тарихчиси Вольтер (1694–1778) дир.

А.Абдурахмонов ўзининг «Улуғбек академияси» китобида Вольтернинг куйидаги сўзларини келтиради: «Трансоксианада унинг (яъни Амир Темурнинг) ўрнига тахтга чиққан машҳур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди» [1:13]. Чиндан ҳам Улуғбек томонидан қурдирилган расадхона ўз даврининг академияси бўлган [6:441].

Фан тарихига бу илмий марказ «Улуғбекнинг Самарқанд академияси» ва «Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби» номлари билан кирди. Биринчи номни француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер

рени яратишдир. Миллий-психологик иммунитет (ёки психологик иммунитет) деганда миллатнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжини қондирувчи кенг маънодаги маънавий бойликнинг мавжудлигини, унга ҳар доим ҳам эҳтиёжнинг ўсиб боришига мойилликнинг кучлилигига ва миллат маънавий ҳаётига ташқаридан кўрсатиладиган ҳар қандай таъсирларга қарши тура оладиган, улардан кучли, устун бўлган миллий-маънавий, руҳий ва юксак даражадаги ахлоқий салоҳиятларнинг амал қилинишини тушуниш мумкин.

Миллий тарбия миллатимиз вакиллариغا, айниқса, ёшларда миллий меросимиз, урф, одат, анъана ва ахлоқимиздаги энг илғор хусусиятларни, қадриятларни сингдириш орқали миллий онг, миллий дунёқараш, миллий тафаккурни шакллантириш, ўзлигини англантиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъуллиқни онги ва қалбига сингдириш, бой миллий-маданий меросимиз асосида ёшларни юксак маънавиятли, қатъиятли, шижоатли, онгли фаол шахс сифатида шаклланишини таъминлашга йўналган таълим тизимидаги амалий фаолиятдир.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра миллий ва умуминсоний мезонларга асосланиб, илмий ечимлар, хулосалар ва тавсияларни илгари сурамиз ҳамда шу асосида бир қатор илмий мақолалар, ўқув қўлланма ва монографияларни чоп эттирамиз.

Адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.
- 2.Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.
- 3.Жабборов А. Педагогик психологиянинг этник асослари. –Т.: Зарқалам, 2006. –48 б.
- 4.Жабборов А. Ўқитувчи этнопсихологияси. Қарши: Насаф, 2015. –180 б.
- 5.Информационно-психологическая и психотронная война / Под общей редакцией А.Е.Тараса. –Минск: Харвест, 2003. – 432 с.
- 6.Ғозиев Э.Ғ. Жабборов А. М. Фаолият ва хулқ – атвор мотивацияси. – Т., 2003. –124 б.
- 7.Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. –Т.: -2010. – 544 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада муаллиф ахборотнинг глобаллашуви жараёнида ўспирин ёшлар дунёқарашида юзага келадиган салбий ўзгаришларнинг психологик хусусиятлари ҳақида баҳс юритган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются негативные психологические изменения в мировоззрении молодежи в процессе глобализации информации.

SUMMARY

This article describes the global information and negative psychological changes in the outlook of the youth.

Наишга псих. ф. д. А.Жабборов тавсия этган

оқибатлар ва бошқа салбий натижалар салмоғи асосланади.

Учинчидан, ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларнинг психодиагностикаси қисмида:

- ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни экспериментал (эмпирик) ўрганиш ҳозирги замон психологияси амалиётида самарали қўллашга мўлжалланган инсоннинг индивидуал психологик хусусиятларини, аклий, ахлоқий-маънавий тараққиёт даражаларини ва дунёқарашини ўрганишга йўналган тест методикалари ёрдамида амалга оширилади ҳамда натижалар психологик таҳлил қилинади;

- тадқиқот натижаларининг таҳлилларига асосланиб, ўспиринлар дунёқарашининг шаклланганлик ҳолати аниқланади;

- ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришлар даражаси ва ўспириннинг турмуш тарзи ва фаолияти билан боғлиқ салбий оқибатлар баҳоланади;

- ўспиринлар дунёқарашида салбий ўзгаришлар юзага келиши айнан шу ўспириннинг индивидуал психологик хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳолатда кечиши аниқланади.

Тўртинчидан, ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашини турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг замонавий ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш илмий изланишларимизнинг устувор вазифалари сифатида белгиланиб, қуйидаги тарбиявий-психологик механизмлар яратилиши ва амалиётга татиқ этиш учун тавсиялар бериш кутилади:

- шахс, жамият ва давлатга нисбатан ахборот таҳдидларига қарши психологик хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-маданий механизмлари тизимини яратиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш;

- ўспиринлар дунёқарашида юзага келиши кутилаётган салбий ўзгаришлар учун психологик хавфсизликни таъминловчи шахс фазилатлари комплексини яратиш ва уни ўспиринлар ҳаёт тарзи ва фаолиятида қўллашни тавсия этиш;

- ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқараши хавфсизлигини таъминлашнинг гуманизациялаш имкониятларини жорий этиш ва ҳамма таълим тизими босқичларида унга амал қилиш;

- ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашига йўналган таҳдидларга қарши психологик хавфсизликни таъминлашда педагогик-психологик жараёнларнинг самарадорлигини ошириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш;

- глобаллашган очиқ ахборот тизимида ўспиринлар психологик хавфсизлигини (психологик иммунитетни) таъминловчи ижтимоий-психологик механизмлар тизимини яратиш.

Тадқиқотимиз натижалари ва илмий таҳлилларимизга таяниб, ҳозирги ёш авлодни маънавий тажовузлардан (таҳдидлардан) ҳимоя қилишнинг миллий менталитетимиз ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-маданий ва миллий-психологик механизмла-

берган бўлса, иккинчи номни академик Т.Н.Қори-Ниёзий берган.

Улуғбек 1424–1428 йилларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида расадхона қурдирди. Доира шаклида бино қилинган бу улкан иморатнинг айланаси 47 метр, баландлиги 31 метр бўлган. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан қопланган. Бинонинг ички саҳни секстант (осмон ёриткичларининг баландлигини белгилаш учун мўлжалланган кўзгу қайтаргичли асбоб) ва йўлаклар билан уч қисмга ажратилган. Расадхона жойлашган бу мавзе маҳаллий аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат қозонган [7:117].

Ғиёсиддин Жамшид бошчилигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоб-ускунаси – улкан секстант ўрнатилган. Самарқанд секстанти ўша даврда Шарқда машҳур бўлган секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган. Али Қушчи унинг баландлигини қарийб 50 метрга етишини келтириб ўтган.

Шу билан, бирга Улуғбек расадхона қошида замонасининг бой кутубхонасини ҳам ташкил этди. Бу кутубхонада фаннинг деярли барча соҳаларига тегишли қарийб ўн беш минг жилд китоб сақланган [2:253].

Улуғбек академиясида 1471 йилда дунёнинг турли мамлакатларидан келган олимлар сони 100 дан ошиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, мусаввирлар, географлар бор эди. Хусусан, фалакиёт ва математика соҳалари олимлари шарафлироқ ва обрўлироқ ҳисобланганлар.

Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан замондошлари ўртасида «Афлотун замон» деб ном олган Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птоломейи» номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўша давр тарихчиси Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират ушшуаро» асарида «Мирзо Улуғбек ҳандаса (геометрия) илмида мажастийкушо эрди», деб таъкидлайди (Мажастий – Птоломейнинг (II аср) «Алмагест» асарининг арабча номи) [8:10].

Улуғбек қадимги Юнон олимларидан Платон (Афлотун), Аристотел (Арасту), Гиппарх (Иббархус) ва Птоломей (Батлиму), Шарқ олимларидан Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва Носириддин Тусий илмий-меросидаги астрономик тушунчалар билан таниш эди. У аниқ фанлардан маърузалар ўқиган, илмий баҳслар уюштирган, астрономик кузатишлар олиб борган, астрономия, математика ва тарихга оид асарлар ёзган [5:48].

Улуғбек илмий академияси мусулмон Шарқи маданияти ва фани тарихида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Унинг раҳбарлигида шаклланган риёзиёт ва фалакиёт мактаби фан тарихида алоҳида нуфузга эга бўлди.

Улуғбек бошчилигида расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 соbitа (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилди.

Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жой-

лашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координаталари белгилаб чиқилди. Расадхона олимлари томонидан учинчи даражали алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди [7:119].

Расадхонада Улуғбекнинг бевосита раҳбарлигида ўтказилган ишлар унинг математика, геометрия ва фалакиётшунослик соҳасида чуқур билимлар соҳиби эканлигидан гувоҳлик берар ҳамда бир қанча амалий вазифалар ечими учун катта аҳамият касб этарди.

Улуғбекнинг шоҳ асари «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») номли китоби ўрта асрлар астрономия фанининг ютуғи эди.

«Зижи жадиди Кўрагоний» асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 кўзгалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати белгилаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг бош муқаддима қисми астрономиянинг назарий масалалари, Шарқ халқларидаги йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиёти, сайёралар назарияси ҳамда астрономия ва астрология масалаларига бағишлангандир.

«Зижи жадиди Кўрагонийнинг иккинчи қисми астрономия ва тригонометриянинг амалий масалаларига мансубдир. Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида юксак даражада аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога оғмалиги Улуғбек жадвалида 23 даража, 30 дақиқа, 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража, 30 дақиқа ва 49 сонияни ташкил этади. Бу икки рақам ўрта-сидаги тавофут ҳаммаси бўлиб, минус 32 сонияга тенг, холос. Шунингдек, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб-китобларга солиштирадиган бўлсак, у бор-йўғи 1 дақиқа 2 сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир [6:444].

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдузларнинг ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвал яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг нақадар аниқ ва тўғри эканини бугунги энг замонавий асбоблар ҳам тасдиқлайди. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир» [9:46].

Кези келганда, Европада биринчи академия 1662 йили Англияда ташкил топганини, у «Лондон қироллик жамияти» деб аталганини эслаш лозим. Бу илмий жамият Кембриж университети талабаларининг илмий тўғараклари асосида вужудга келган. Унинг ташаббускори Роберт Войль ҳисобланади. Бу академияга ўз вақтида Р.Гук, Х.Рен ва И.Ньютонлар раҳбарлик қилишган.

Россияда эса биринчи академияга 1724 йили Пётр I асос солган. У 1747 йилги низомга кўра «Император Фанлар ва Санъат академияси» деб аталган. 1803 йилдан бошлаб «Император Фанлар Академияси» деб аталадиган бўлди.

дастурига таяниб, бир қатор тизимли вазифаларни амалга ошириш асосида қуйидаги илмий психологик таҳлилларни, ечимларни, хулосаларни ва зарур тавсияларни яратишни асосий мақсадимиз сифатида белгиладик:

Биринчидан, ўспиринлар дунёқарашига ахборот глобаллашуви жараёни таъсирининг назарий методологик асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун :

- ахборот глобаллашуви жараёнининг ёшлар тарбиясига таъсирини ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида ўрганилганлик даражасини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашига салбий ўзгаришлар педагогик тадқиқотларнинг предмети сифатида қай даражада ўрганилган, қандай ечим ва тўхтамлар ҳамда тарбиявий тавсиялар илгари сурилган;

- ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашига салбий ўзгаришларнинг психологик тадқиқот муаммоси психолог олимлар томонидан ўрганилганлик ҳолати таҳлилий баҳоланади ва бунда ўспиринлар дунёқарашига салбий ўзгаришлар юзага келишининг мотивлари, шарт-шароитлари, салбий ўзгаришларнинг шаклланиш қонуниятлари ҳамда оқибатлари кенг ёритилади;

- мазкур муаммони тадқиқ этиш учун тадқиқот босқичлари белгиланади, фаннинг методологик асослари ва методикаларнинг психологик тавсифи кенг ёритилади. Тадқиқот ишимиз анча мураккаб ва ўта долзарб мавзуга бағишланганлиги учун унинг босқичларига, илмий психологик билимларни асослаш учун фаннинг методологик тамойилларига ва тадқиқот методларида белгиланган қонун-қоидалар ва йўл-йўриқларга қатъий амал қилинади.

Иккинчидан, ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган ахборотларнинг юзага келиш хусусиятлари ва моҳиятини аниқлаш ва илмий асослаш мақсадида:

- ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот таҳдидларининг кўринишлари, келиб чиқиш сабалари ва манбалари аниқланади;

- ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган ахборотларнинг юзага келиш хусусиятлари, йўналганлиги, мақсади ва моҳияти тарбиявий-психологик меъёрлар асосида баҳоланади;

- ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган ахборотларнинг фалсафий-психологик механизмлари ва оқибатлари одам, жамият ва оламнинг моҳиятини илмий-психологик тушунош, англаш ва билиш имкониятлари ўрганилади;

- маънавий тажовузларнинг асосий мақсади, йўналганлик моҳияти, тажовузларнинг манфаатдор давлатлар учун аҳамияти ўрганилади ва аниқланади. Улар таҳдид кўрсатаётган мамлакатлардаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни издан чиқаришга йўналтирилган усуллар, ёшлар тарбияси ва дунёқарашига путур етказиш билан боғлиқ

таъминлашга интилиши билан белгиланади. Иккинчидан, бундай кучларнинг ўз ҳукмронлигини таъминлаш борасида ўзларининг ғояларини, мафкураларини ва дунёқарашларини оммавий тарзда бошқаларнинг онги ва қалбига сингдиришни мақсад қилиб оладилар.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар, кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида ўз манфаатлари йўлида бошқа давлатларга ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий босим ўтказишга интилаётганликлари сир эмас. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига “астойдил” хизмат қилиб турибди. Айниқса, ғоявий психологик уруш кўринишида ёшлар ақлига, онгига ва маънавиятига йўналган таҳдидларнинг интернет ва бошқа ахборот воситалари орқали ёшлар ҳаётига кириб, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этаётганлиги, уларнинг мақсад-интилишларида, йўналганлигида, дунёқарашида, тафаккури, онги ва шуурида салбий ўзгаришларни намоен қилаётганлиги отаналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида ёшларни маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда ёвуз ниятли ахборот тажовузларидан ҳимоя қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Президентимиз И.А.Каримов халқимизни дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлардан огоҳ этиб: “Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганлигини, одамнинг ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонаётганлигини, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум бўлган лоқайд шахсларга айланаётганлигини кузатиш мумкин,” – дея бот-бот уқтириб ўтмоқдалар [1:12-13].

Ушбу огоҳлик ижтимоий-гуманитар фан соҳалари вакиллари билан бир қаторда психолог олимларни ҳам ер юзида мавжуд бўлган ана шундай ёвуз кучларнинг таъсирида ёшларимизни онги-шуурида шаклланиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур бўлган ижтимоий-маданий ва тарбиявий-психологик механизмларни яратишга йўналган устувор вазифаларни амалга оширишни белгилаб қўймоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни замонавий психодиагностик усуллар билан ўрганиб, психокоррекцион ҳамда психопрофилактик воситалар ёрдамида олдини олиш ва тузатиш билан боғлиқ кенг миқёсли тарбиявий тизимни яратишни тақозо этади.

Биз “Ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларнинг психодиагностикаси ва психокоррекцияси” мавзусида олиб бораётган илмий тадқиқот ишимизнинг илмий

Улуғбек ва унинг академияси Ғарбий Европада қанчалик машхур бўлганлиги чех астрономи Ян Гевелийнинг машхур «Прдомус астрономия» (Астрономия даракчиси) номли китобидаги иккита суратда ўз ифодасини топган. Суратларнинг бирида Улуғбек мунажжимлар ва олимлар худоси Ураниянинг ёнгинасида, ўнг томондан жой олган. У Европанинг энг машхур астрономлари сафидан муносиб ўрин эгаллаган. Шунингдек, унинг 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталганлигидан ҳам билиш мумкин.

Европадаги академиядан икки аср олдин ташкил қилинган «Самарқанд академияси» 1004 йили Хоразмнинг қадимий пойтахти Урганчда ташкил этилган ўзига хос академия «Донишмандлар уйи» (Маъмун академияси) дан кейинги илм фанга муносиб ҳисса қўшган иккинчи «Дор ул-илм» эди.

Бу “Дор ул-илм”нинг пойдевори бўлган Улуғбекнинг астрономия мактаби ўрта асрлар мусулмон Шарқи астрономиясининг ривожига бекиёс катта таъсир кўрсатди.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993. – 26 б.
2. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 156 б.
3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат.- Тошкент: Шарқ, 2006. – 527 б.
4. Маврулов А., Дехқонов И. Маданият тарихи – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 134 б.
5. Азизов С. Марказий Осиёда астрономия ва Улуғбек мактаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 95 б.
6. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб. Тошкент: Шарқ, 2010. – 511 б.
7. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 157 б.
8. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 310 б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XV асрдаги Мирзо Улуғбекнинг астрономия мактаби тарихи ва унинг Марказий Осиё илм-фани раванкига кўрсатган бекиёс таъсири баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрывается история астрономической школы Мирзы Улуғбека в XV в. и ее влияние на развитие науки в Центральной Азии.

SUMMARY

This article states a tremendously huge impact of Mirzo Ulugbek in XV century on the advancement of science in Central Asia and on the history of astronomical schools.

Наширға доц. О.Бўриев тавсия этган

МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗНИ СИНГДИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Содиқова Р. (ТТВЕСИ)

Таянч сўзлар: *ғоя, мафкура, геосиёсат, таълим-тарбия, табақавий ёндашув, мафкуравий таълим, мафкуравий тарбия, мафкуравий муносабатлар, мафкуравий фаолият, мафкуравий позиция.*

Геосиёсатнинг асосий мақсади ўз мавқеини ўзга мамлакатларда мустаҳкамлашдан ва шу минтақаларни ўз таъсири остига олишдан иборат бўлган бир даврда жаҳондаги турли сиёсий кучлар ёш суверен давлатларни ўз манфаатлари доирасига киритмоқдалар, уларнинг мустақиллигини заифлаштириш мақсадида турли ғояларни тарғиб қилмоқдалар. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: ”Минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда.” (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 26-бет.)

Ушбу воситаларни шартли равишда уч йўналишга – информация уруш, психологик уруш, технологик урушларга бўлинишини эътироф этган ҳолда, мафкуравий муносабатлар ўта кескинлашган ва нозиклашганини таъкидлаш лозим. Бундай шароитда миллий ғоямизни ташвиқ ва тарғиб этиш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги қарорининг қабул қилиниши ҳам ана шундан далолат беради.

Фуқаролар, хусусан, ёшлар онгига миллий ғояни сингдириш, уларни ватанпарвар, ҳалол, фидойи мустақил фикрлаш маданиятига эга бўлган инсонлар қилиб тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммолар бўлиб қоляпти. Шу боис миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришнинг турли хил усул ва воситалардан самарали фойдаланиш зарурияти юзага келмоқда.

Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш анча мураккаб бўлиб, у ўз ичига қуйидаги йўналишларни олади:

1. Ёшларга ғоявий концепцияларни илмий асосланган энг муҳим принциплар ҳамда миллий манфаатлар негизда етказиш.
2. Мафкуравий тарғибот механизмини янада такомиллаштириш.
3. Ёшларга миллий ғояни сингдиришда табақавий ёндашувдан фойдаланиш.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов турли мақсад ва манфаатларни акс эттирувчи мафкуралар орасидаги кураш ҳақида гапириб, “Очиқ

ПСИХОЛОГИЯ

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЎСПИРИНЛАР ДУНЁҚАРАШИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Облақулов Ж. (СамДУ)

Таянч сўзлар: *ахборот, глобаллашув, ўспиринлик, дунёқараш, салбий ўзгаришлар, тажоввузкор ғоялар, психодиагностика, психопрофилактика, психологик механизм, миллий менталитет, миллий онг, ҳудудий бутунлик.*

Инсоният дунёга келиб, онгли мавжудот сифатида яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечиришга, ўзлигини англашга, ўз кадр-қимматини библиб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга, умуман олганда, чинакам инсон бўлиб яшашга доимий интилиб келган. Аммо бу мақсад ва манфаатларга эришиш осонликча амалга ошмаган. Чунки биз инсоният деб биландиган жамиятда миллат, элат, халқлардан ташкил топган жамоалар тизимини ўзаро бирлаштирадиган умумий манфаатлар билан бир қаторда, хусусий манфаатлар ҳам мавжуд. Бу жамият аъзоларининг дунёқарашлари турлича, эътиқоди ва қадриятларга муносабатлари ҳам турли-туман. Узоқ тарихий тараққиёт давомида инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиб борган сари манфаатларни уйғунлаштириш жараёни ҳам мураккаблашиб борган. Айниқса, XX асрга келиб инсоният томонидан яратилган фан, техника ва технологиялар соҳасидаги кашфиётлар инсониятнинг турмуш тарзининг юксалишида ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши учун етакчи аҳамиятга эга бўлди. Бу жараённинг мазмун-моҳияти “глобаллашув” атамаси билан онгимиздан ўрин олди. XXI асрга келиб у муомалада шу даражада оммавийлашиб кетдики, у қўлланилмайдиган соҳа қолмади, десак хато бўлмайди. Чунки глобаллашув жараёни бугунги кунга келиб, мамлакатларнинг иқтисодиёт ва молиявий ҳаёт доирасидан чиқиб ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий ҳаёт доираларини ҳам қамраб олди. Глобаллашув жараёнининг энг асосий воситаси сифатида юзага келган компьютер, интернет, телевидение ва бошқа замонавий оммавий ахборот воситалари бутун дунё халқларининг мулкига айланди ва уларнинг ўзаро боғланиш жараёнини янада тезлаштирди.

Глобаллашув жараёнининг ҳозирги даврида фан, техника ва технологиялар соҳасидаги ютуқларини бутун дунё халқларига етказиш, уларнинг мулкига айлантиришдаги ролини қанчалик юқори баҳоламайлик, аслида, бу жараённинг дунё халқларини хавотирга ва ташвишга соладиган энг ёмон томони, биринчидан, техникавий ва иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига қираётган мамлакатларнинг мавжуд иқтисодий ресурсларига эгалик қилиш йўли билан ўз ҳукмронлигини

қўриқлаб, дастлабки ов малакалари шакллантирилган.

Қариндош болалар ўсмирлик палласига киргач, бир-бирларини яқин тутинганликлари боис ўзаро муносабатларга осонроқ киришиб, ҳамжихатлик, қариндошчилик мулоқотлари уларда яхшироқ кечган. Шу сабабли бир тўпда яшаётган болаларнинг бир-бирига ўзаро хурматда бўлишларига катта аҳамият берилган.

Бухородаги шаҳар миқёсидаги маҳаллараро анъанавий рақобатчиликни рус элшунос олимаси О. А. Сухарева тарихан шаклланган анъанани аҳоли турмушидаги архаик қолдиқ сифатида қайд этган. С. П. Толстов эса рақобатчиликнинг синфий жамиятга хос тарзда ифодаланиши деб кўрсатган. Рақобатчилик, қайд этилганидек, ҳозиргача маълум шаклда сақланиб қолган қадимги одат сифатида шаҳар ёки қишлоқнинг икки қисмидаги алоҳида-алоҳида маҳалла ва тўпларнинг ўзаро муносабатлари қай тарзда эканлигини кўрсатмоқда. Маросимларда ўйин ва томошалардаги бундай рақобатчилик муносабатлари болаларда фақат эпчиллик, чаққонлик, қўрқмасликни тарбияламасдан, катталарга бўйсуниб, жамоага яқинлашиб, дўст-ўртоқ, жўра-биродарчилик фазилатларини ҳам шакллантирган.

Хуллас, жамоа барча замонларда ҳам бола тарбиясида муҳим ўрин касб этиб келган. Бинобарин, жамоанинг тарбиявий имкониятлари билан боғлиқ тажрибаларни ўзлаштириш, унинг моҳиятини чуқур англаб етиш таълим ва тарбия билан шуғулланишни режалаштираётган барча бўлгуси мутахассислар учун аҳамиятли вазифалардан биридир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф жамоанинг тарбиявий имкониятлар ҳақидаги мулоҳазаларни умумлаштиради. Кишилиқ жамияти тарихи мобайнида бу имкониятлар кенгайиб борганлигини асослаб беради.

РЕЗЮМЕ

В статье автор обобщает размышления о воспитательных возможностях общественности. Обосновывает тезис о том, что эти возможности стабильно возрастали в процессе исторического развития.

RESUME

In this article the author generalized educational opportunities of society. He also expressed widening opportunities during the citizen's society.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад – инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдириш”, деган эди. (Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том, Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 85-бет.)

Бундай шароитда ёшларга миллий ғояни сингдириш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

Биринчидан, республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил қилади.

Иккинчидан, ёшлар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, ушбу гуруҳ вакилларининг онги шаклланиш жараёнида бўлиб, улар турли вайронкор ғояларга тез берилувчан бўлади.

Учинчидан, ишсизлик даражасининг мавжудлиги, айниқса, қишлоқ ёшлари орасида кўплиги мафқуравий ишларимиз самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Тўртинчидан, ёшларнинг элитар, ўрта, кам таъминланган қатламларга бўлиниши тенденцияси кучаймоқда. Ёшлар онгида, турмуш тарзида моддий қадриятларнинг устунлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат мафқуравий-тарбиявий ишларни ташкил қилишда инобатга олинмоғи лозим.

Бешинчидан, ёшларда бўш вақтни самарали ташкил қилиш маданиятининг заифлиги намоён бўлмоқда. Мафқуравий тарғибот ишларини янада кучайтириш орқали ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш зарурияти туғилмоқда.

Олтинчидан, ёшлар онгида маълум сиёсий ва фуқаровий лоқайдлик элементлари сақланмоқда. Ёшларнинг маълум қисмида сиёсатга ва сиёсий жараёнларга қизиқишнинг пасайиши кузатилмоқда.

Еттинчидан, ёшларнинг маълум қисми орасида спиртли ичимликларга, гиёҳвандликка мойиллик намоён бўлмоқда. Бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялиш борасидаги тадбирларнинг суист даражада олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Саккизинчидан, айрим ёшлар орасида криминаллашув жараёни кузатилмоқда. Криминаллашув жараёни бўйича айниқса 16–17 ёшдагилар етакчи ўринда туради.

Шунингдек, ёшлар онгига миллий ғоямизни сингдиришда табақалаштирилган ҳолда ёндашув самарали таъсир кўрсатади. Бунда ёшларни ижтимоий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкинлигига эътибор қаратишимиз лозим:

- ўқувчи ёшлар;
- талабалар ва ижодкор ёшлар;
- тадбиркорлар ва савдо ходимлари;
- давлат бошқаруви тизимида фаолият кўрсатаётган хизматчилар;

- ишчилар;
- кишлок хўжалиги секторида банд ёшлар;
- хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари;
- ишсизлар ва мавсумий ишсизлар.

Мафкуравий-тарбиявий ишлар ушбу гуруҳларнинг эҳтиёж ва истаклари, имкониятлари ва салоҳиятига мос тарзда йўлга қўйилса, самарадорлиги янада ортади, ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш имкониятлари юзага келади.

Таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий-маънавий тизим, малакани ошириш ва қайта тайёрлаш, қолаверса, жамиятдаги тўлақонли ахборот макони орқали бир шахс аниқ ва оқилона йўналтирилган мафкуравий қадриятлар, меъёрлар ва талабларни ўзлаштириши зарур.

Шахснинг миллий истиқлол ғояларини кенг ёйишдаги ўрни, аввало, унинг мафкуравий жараёнларда қанчалик фаол иштирок этишида кўринади. Фаол, интилувчан шахс мафкуравий таъсир, тарғибот ва ташвиқотнинг объектидан мафкуравий жараёнларнинг субъектига, мафкурачига, мафкуравий тарбия тизимининг муҳим бўғинига айланиб боради.

Худди шунинг учун ҳам таълим муассасаларида “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, алоҳида масъулиятни талаб қилади.

Аввало, таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир жонкуярида ўз Ватанига мислсиз муҳаббат, мустақиллик туйғуларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга чексиз ҳурмат фазилатлари мужассам бўлмоғи зарур. Мафкуравий тайёргарлик даражаси юқори, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг чуқур билимдони (ёхуд сиёсий етук) бўлган ўқитувчи – мураббийгина таълим соҳасининг ҳар бир босқичида меҳнат қилишга лойиқдир.

Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси– халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача таълим, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади.

Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғоясини ўқитишнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Таълим муассасаларида “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитишда, энг аввало, ёшларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш лозим. Уларнинг кизиқишлари, лаёқатлари, қобилиятлари, манфаатлари инобатга олиниши зарур. Бунда, аввало, мактабгача таълим, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида таълим ва тарбия олувчилар орасидаги фарқни ва умуммиллийликни эътиборга олишимиз

тарбиясига оид урф-одатлар халқнинг умумэтник жиҳатларини ўзида мужассам этади. Шу боисдан ҳам халқимиз мақолида “Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла”, “Бир болага етти қўшни – ота-она” деб бежизга айтилмаган.

Бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти минтақа кишлокларида оқсоқол, масжид имоми, кайвонилар, кўни-қўшнилар иштирокида ўтганлиги аниқланган. Оқсоқоллар кишлок болалари келажигига эътиборли бўлишган. Шу боис ҳар бир боланинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши, энг аввало, жамоадан сўраб-суриштирилган.

Бола ахлоқсизлик қилса, биринчи галда ота-онасига танбеҳ берилган. Агар у ҳам фойда бермаса, фарзанднинг ўзи билан суҳбатлашиб, уни тўғри йўлга солишган. Бунда ота-оналар ҳам ўз фарзандлари қилмишлари учун кўни-қўшнилар олдида хижолат бўлишган. Оилаларда учраб турган ахлоқсизликлар жамоанинг салбий фикрини юзага чиқарган, кишлокдагилар болалар юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турганлар, болалар томонидан содир этилган ҳар қандай нохуш ҳолатда, энг аввало, уларнинг ота-оналари огоҳлантирилган.

Ота-оналар доимо бола тарбиясида, асосан маҳалла жамоаси фикрини эътиборга олишган. Фарзанднинг одоби учун кўни-қўшнилардан “Отангга раҳмат!” деган иборани эшитиш ота-она учун ғурур ҳисобланган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида “Онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қизни ол” деган мақолнинг мавжудлиги бежиз эмас, албатта. Қарши воҳасидаги ўзбек, тожик халқларида қизга совчи келса, унинг камчилигини дастлаб яқин кўни-қўшниларидан суриштирилган. Мазкур даврдаги бешиккертти одати чақалоқлик чоғида амалга оширилган анчагина эскилик сарқити деб қаралса-да, ота-оналар жамоадаги эпни, ахлоқли қизни кўз остига олиб юрганлар, келажакда турмуш қурадиган фарзандлар бир-бирига мувофиқ келиши керак деб билганлар.

Минтақа ўзбекларида болаларнинг ёши, жинсига қараб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилган. Тоғ этакларида кўпроқ чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган аҳоли кичик ёшдаги болалари катталар қатори рўзгор юмушларини ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришган. Ўғил болалар меҳнат кўникмаларига хос тарзда жамоа бўлиб ов қилиш одати расм бўлган. Ов қилишга милтик, камон-ёй, палахмон, қўлга ўргатилган ит, бургутлардан фойдаланишган. Овга жўнашдан олдин кенгаш ўтказиб 1-2 кунга мўлжалланган озиқ-овқат захираси, ўқ-дори тайёрланган, ов омадли келганда ўлжалар кишлокқа олиб тушилиб, тозаланган. Пишириш учун эса аёлларга топширилган. Катталар тоғларда кенг тарқалган олқор, қундуз, кийик, тулки, айик, ўспиринлар эса каклик, бедана, каптар, чумчуқ овлашган. Бу эса болаларни меҳнатга, овга жалб этиш уларни жисмоний чиниктиришга катта аҳамият берилганлигини кўрсатади. Оддий жун ёки ипдан тўқилган палахмон (сопқон) болаларни овга ўргатишда севимли курул бўлиб, у билан дастлаб жўхори, буғдойзор, полиз, боғ ва ҳоказоларни кушлардан

ларда мустақил қатнаша олишган.

Оила ва жамоа аъзолари даврасида ўтказилган маросимларда оила хўжалиги ва жамоа турмушига доир масалалар ўз ечимини топиб, болалар иштироки уларда аҳиллик, жамоавий уюшқоқлик, ўзаро ёрдам муносабатларини шакллантирган. Болалар тенгқурлари орасида катталарга тақлид қиларканлар, жўра-ўртоқчилик орқали ўзларининг “кичик жамоа”ларини тузганлар. Кимдир оқсоқол, кимдир ота-она, шунингдек, яна кимдир иш бошқарувчи бўлиб, дастлабки катталарга хос хислатлари шаклланган. Оилавий маросимлар, жамоавий йиғинлар, байрамлар, сайиллар, чойхоналар, масжидлар, маҳалла гузарларидаги бошқа турли жамоавий тадбирлар дастлабки энг асосий тарбия воситалари вазифасини ўтаган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг барча халқларида эркаклар уйлари меҳмонхона-оловхона, гапхона, гап-гаштак, жўра (дўст-биродарлар жамоаси), кўна ўтиришлар, тўқма кабилар муҳим жамоавий йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда болалар ҳам иштирок этишган.

Минтақанинг ярми ўтроқ чорвадор ҳамда ўтроқ аҳолиси орасида бундай йиғинлар, тадбирлар, асосан, ўтиришлар йилнинг куз, баҳор, қиш фаслида мавсумий ўтказиб турилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саховат учун ёки ҳар бир тўп (тўпар) ёки маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган жойларда гаштаклар навбат билан хонадонларда уюштирилган.

Маҳалла гузарида жойлашган меҳмонхоналар жамоа аъзолари маросимлар ўтказадиган, меҳмонлар дам оладиган, эркаклар гаштак ва бошқа жамоа йиғинлари ўтказадиган жой ҳисобланган. Албатта, бундай тадбирларни кузатган ўспиринлар эркаклардаги ҳар қандай фазилатни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишган. Ўспиринлар катталар қандай ҳаракат қилсалар, шундай бўлишга интиланлар. Бу ҳол баъзан болаларда салбий кўникмаларнинг ҳам ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Аммо зиёфат ўтказилаётган хонадонга ёш болаларни киритишга йиғин аъзолари йўл қўйишмаган. Чунки меҳмонхона атрофида ўғил болалар ёшига мос юмушлар билан машғул бўлишган.

Минтақанинг аксарият ўзбеклар яшайдиган ҳамда этник аралаш қишлоқларида ўсмир болалар турли тадбирларда ва оилавий маросимларда ўтин ташиш, ёриш, қўлга сув қуйиш, чой қайнатиш юмушларини бажарганлар. Минтақа аҳолисида болалик чоғида ҳар бир ўсмир маърака ва маросимларда қўлига офтоба, дастшўй олиб, елкасида сочик тутиб, даврадаги меҳмонлар қўлига сув қўйиб чиқишни билиши керак бўлган. Меҳмонлар узоқ масофадаги тўй ва маъракаларга кўпроқ от ва эшакда борганлар. Маслаҳат-кенгаш, тўй, худойи, ифторлик, қурбонлик маросимларида от-уловларни боғлаш, қарияларни маросим сўнггида кузатиб қўйишни ҳам катталар билан бирга ўғил болалар бажаришган. Анъанавий ўзбеклар жамоаси доимо кишилар орасида маънавий тамойилларга асосланган одоб-ахлоқ тизимини яратган. Бола

керак. Боғча тарбияланувчисига бериладиган мафкуравий таълим унда илк кўникмаларни шакллантиришга, символли тушунчаларни сингдиришга қаратилади.

Ватан ҳақидаги шеър-кўшиқлар, расм-плакатлар, мультфильмлар орқали мафкуравий ғоялар тарғиб этилиши мумкин. Муҳими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши лозим.

Маълумки, кишиларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (ҳиссий уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда асосан ўқимишли, мантиқий фикрлаш малакаси шаклланган аудитория фактларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилади. Шу боис газета-журнал, китоб ва дарсликларда мужассамлашган маълумотлар, шунингдек, маърузалар қилиш, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш йўли билан мафкуравий таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

Кичик ёшлилар, нисбатан маълумот даражаси паст кишилар эса кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотларга ўч бўлади. Бундайлар ҳаттоки улардаги айрим негатив ҳис-туйғуларни кўзғатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фаолроқ бўлади. Шунинг учун ҳам касалликка ёки зарарли одатларга қарши қаратилган рекламада кўпинча даҳшат уйғотувчи расмлар берилди. Ёки фикрни ўзгартириш учун берилётган маълумотлар болаларда мавжуд бўлган билимлардан кескин фарқ қилса-да, уларга янги маълумотга нисбатан ишонч ва уни қабул қилишга мойиллик кучли бўлади.

2. Таълимнинг тарбия билан уйғунлигини унутмаган ҳолда мафкуравий таълимнинг мафкуравий (ғоявий) тарбия билан диалектик алоқадорлигини таъминламоқ даркор. Мафкуравий таълимдан асосий муддао мафкуравий иммунитет, мустақил дунёқарашни шакллантиришдир. Мафкуравий таълим мезонларидан бири эса масъулият туйғуси билан яшаш хусусиятини шакллантиришдан иборат. Чунки масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

3. Таълим муасасасаларида “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитишда, аввало, ёшлар онгида мафкура ҳақидаги тушунчани, мафкура ҳақидаги позицияни шакллантиришга, ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси ҳақида тушунчаларни шакллантиришга эътиборни қаратмоқ даркор. Чунки истиқлол ғоясини ёшлар, хусусан, талабалар онгига сингдириш орқали уларда мустақил ва ижодий фикрлаш маданиятини такомиллаштириш, ҳозирги вақтда жаҳонда ҳукм сураётган турли ғояларнинг моҳиятини тўғри тушунтириш лозим. Ушбу жараёнда аудиториянинг хусусиятидан келиб чиқиб, индивидуал, гуруҳий ва оммавий услублардан фойдаланган ҳолда тарғибот – тушунтириш ишлари олиб борилади.

Демак, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришнинг

ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбиянинг диалектик алоқадорлигини таъминлашга эътибор қаратмоқ даркор. Мафкура ҳақидаги тушунчани, мафкуравий позицияни шакллантириш бу жараённинг ядросини ташкил қилади. Мафкуравий муносабатлар ўта кескинликлашган ва нозиклашган бугунги кунда миллий ғоямизни ташвиқ ва тарғиб этиш зарурияти эса янада муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. Т.: "Ўзбекистон", 1999, 85-бет.

2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Ўзбекистон", 2000, 26-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришнинг ўзига хос хусусиятлари, услублари ва усуллари, омиллари ва воситалари ҳақида мулоҳаза юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор рассуждает об особенностях, методах и приемах, факторах и средствах внедрения в сознание молодежи идеи национальной независимости.

RESUME

In this article there expressed some issues of the peculiar features, explaining ways and methods of "The idea of the national independence" which is urgent for instilling into the minds of the youths.

Наширға фалс. ф. д. С. Чориев тавсия этган

ФАЛСАФА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

А. Дўланов (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *фалсафа, фалсафий таълим, фалсафий таълим технологиялари.*

Мустақил тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади.

ИНСОН ТАРБИЯСИДА ЖАМОАНИНГ РОЛИ

Жамолов Д.Б. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *жамоа, анъаналар, урф-одатлар, жамоанинг тарбиявий таъсири.*

Жамоа ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўринда туради. Халқимиз ижтимоий ҳаётида бола тарбиясини жамоанинг ўрнисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоадаги анъаналар ўзбекларнинг миллий менталитетига хос бўлиб, жамиятда одамлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий ва маънавий муносабатларни белгиловчи муҳим омил ҳисобланган, ҳар бир оила фақат жамоа орқалигина жамиятга узвий боғланган.

Шу боисдан ҳам оилада барча даврларда жамоатчилик фикрига, қон-қариндошчилик ва ҳудудий қўни-қўшничилик муносабатларига бефарқ қаралмаган. Қўни-қўшнилар, яқин қариндошлар ўртасидаги ҳудудий, генетик яқинлик бола тарбиясида ҳам жамоа аъзоларини бири-бирига ўзаро қўмақдош бўлишга ундаган. Ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини ҳеч ким жамоа аъзолари, айниқса, қўни-қўшнилар каби яқиндан яхши билишмаган. Айниқса, бу оила ва жамоанинг бола тарбиясидаги ўрнида ҳам яққол намоён бўлган. Болаларнинг жамоавий маросимларда иштироки уларнинг жамоа, оилада қандай тарбия топганлигига чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлайди. Оилавий маросимлар ва жамоавий тадбирларда аёллар ва эркаклар иштирокида тафовутлар бўлса-да, бола тарбиясида аёллар, хусусан, доя момо, кайвони, дастурхончи, отин ойи, биби халфа ва онанинг ўрни ўзига хос бўлган. Асосан, оилавий маросимлар болалар иштирокисиз ўтмаган. Унга оила аъзолари, яқин қариндошлар пухта тайёрланишган, белгиланган вақтда қўшни аёллар ширинликлар, нон, патир, қатлама, сомса ва бошқа турли пишириклар тайёрлаб келишган. Болаларнинг дастурхон атрофида ўтиришлари уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни, жамоада, оилавий давраларда ўзини қандай тутиш қўникмаларини шакллантирган.

Бола биринчи бор атрофдагилар билан мустақил сўзлаша бошлагач, оила аъзолари, айниқса, ота-оналар уларга илк бор ахлоқий қўникмалар ва диний сабоқ бера бошлашган.

Демак, болаларда одоб-ахлоқ, уюшқоқлик, жамоага интилиш каби дастлабки қўникмалар ҳудудий қўни-қўшнилар, яқин қариндошларнинг ўзаро муносабатлари орқали шакллана бошлаган. Ўзбеклар ҳаётида болаларнинг ёши ва жинсига қараб гуруҳга бўлиниши уларда маълум ижобий хулқ-атворларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Минтақа қишлоқ жамоасида ўғил бола тарбиясининг этноҳудудий хусусиятларини таҳлил этсак, ўғил болалар оилавий турмушда, ҳамда жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ўғил болалар вояга етгач, жамоанинг мустақил аъзоси сифатида оилавий турмушда, маросим-

Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам ўқитишнинг минг (балки миллион) йиллик анъана ва тажрибалари тўпланган улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим.

7. Олий ўқув юртлирида ахборот-коммуникация технологияларини замонавий педагогик технологиялар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва ўқитувчи (педагог) лар меҳнатининг фойдали иш коэффициентини оширади.

Бошқача айтганда, бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида фалсафа фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti – таълим жараёнига тизимли ёндашув ва ранг-баранг педагогик фаолиятдан иборат хизмат кўрсатиш саналади.

Айни даврда замонавий педагогик технология – модулли, тизимли ёндашувлар асосида ўқитишнинг шакллари кулайлаштириш, унинг натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун зарур бўлган инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини намойиш қилади. Таълим мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнида қўлланиладиган усул, метод ва воситаларларни хилма-хиллаш, таълим ва тарбия жараёнлари мазмунини чуқурлаштириш – буларнинг ҳаммаси таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш демакдир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир//Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б. 117.

2. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989.

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф фалсафий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги педагогик технологияларни умумлаштиради ва қатор тавсияларни илгари суради.

РЕЗЮМЕ

В статье автор описывает новые педагогические технологии, позволяющие повысить эффективность философского образования.

SUMMARY

The author summarizes the new educational technologies to improve the efficiency of philosophical education.

Наишга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор”. Шундагина инсон буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади. Ҳозирги кунда фалсафий билимлар тақдим этилган таълим технологияларида янги ўқитиш модели қуйидагиларга асосланган:

✓ таълимнинг ҳар бир шахсга йўналтирилганлик ва тизимли ёндашув, таълим субъектлари муносабатларининг демократлаштирилиши ва инсонпарварлаштирилишига;

✓ таълимда талабалар роли ўзгаришига: ўқув фаолиятини мустақил олиб боровчи таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти;

✓ таълимда ўқитувчининг роли ўзгаришига: мустақил ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, талабаларининг саводли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси.

Талабалар билими, кўникмалари, маҳоратларининг назоратини ҳамда эҳтимолли оғишларни ўз вақтида тўғрилашга: уларнинг билим даражаси диагностикасини таъминлайди.

Шу муносабат билан замонавий педагогика технологияларини амалга ошириш шароитларида талабалар қуйидаги кўникма ва малакаларни эгаллаб олишлари зарур:

Биринчидан, маъруза, семинар ва амалий машғулотларда мустақил фаолият кўникмалари: асосий қоида ва хулосаларни қисқа, чизма шаклида ва кетма-кет ёзиб бориш, ўқув вазифалари ва масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш, билиш, тушуниш, танқидий баҳолай олиш ва етказиб бериш, ҳамда белгилар ва рамзлар ёрдамида уни реферат, ҳисобот шаклига келтира билиш; қўйилган талабларга мувофиқ ўз матнини туза олиш. Бу эса талабанинг Кейс стади, Инсерт, Тоифали шарҳ қуриш каби таълим услуб ва воситаларини амалга оширишга фаол иштирок этишига, маълумотларни тизимлаштириш ва тизимдан чиқариш, таҳлиллаш ва қиёслашга, ўрганилаётган тушунчалар (воқеалар, ҳодисалар, мавзулар ва бошқалар) ўртасидаги алоқалар ва ўзаро алоқаларга, кластер, тоифали жадвал, концептуал харита, SWOT, Т-жадвал, Венн диаграммаси, пирамида, балиқ скелетидан фойдаланган ҳолда муаммони ҳал этишни режалаштиришга тайёр эканлигидан ва асосланган эссе ва ўқув лойиҳаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот ёза олишига имконият

беради;

Иккинчидан, тақдимот кўникмалари: бу вақтда, ўқув топшириғи бажарилиши натижалари бўйича, ўзини ўқитувчи ва бошқа талабалар билан ишончли тута олиши ва ҳар хил воситалардан фойдалана олиши;

Учинчидан, коммуникатив кўникмалар: ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўқув муносабатларини ярата олиш хусусияти, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш ва мурасага келиш, диалогга қўшилиш, моҳияти бўйича савол бериш, асосланган жавобларни бериш, қоидага риоя қилган ҳолда баҳслашиш, музокаралар ва давра суҳбатларида қатнашиш;

Тўртинчидан, ҳамкорликдаги ишлар кўникмалари: гуруҳ билан ҳаракат қилишга тайёр бўлиш – ўқув топшириғини бажариш бўйича қўшма фаолиятни жамоали режалаштириш, умумий масалаларни ечишда ҳамкорлик қилиш, ишбилармон шерикчилик ва ўзаро алоқада бўлиш;

Бешинчидан, муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмалари, ўқув вазифасини ечиш, гоёларни генерация қилиш ва қарорларни қабул қилишнинг ностандарт усулларини топиш, бу ўз навбатида, сизнинг муаммоли маъруза, таҳлилда ва ўқув ҳолатларини (Кейс стади) ҳал этишда фаол иштирокингизни таъминлайди.

Олтинчидан, маълумотларни қидириш, йиғиш, ишлов бериш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишнинг амалий кўникмалари: мустақил иш натижаларини безаш бўйича ўқув топшириқларини бажариш (нутқлар, рефератлар ва бошқалар).

Ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи усулларида бўлиб қолди. Энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти қуйидагича изоҳланиши мумкин: ушбу технология воситасида ўқувчи (талаба)га реал ҳаётини вазиятни англаш таклиф этилади, айни пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди.

Кейс-стади таълим технологияси – бу таълимдаги методик янгилик бўлибгина қолмай, балки унинг таълим тизимида кенг ишлатилиши замонавий таълим тизимидаги вазиятга ҳам боғлиқ. Айтиш мумкинки, ушбу технология асосан янги билим, кўникмаларни ўзлаштиришга эмас, ўқитувчи ва талабаларнинг умумий интеллектуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида, вазиятларнинг анализи (таҳлили) талабаларнинг профес-

сионализация жараёнига кучли таъсир ўткази олиши, уларнинг касбий жиҳатдан “улғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейс методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имкониятини беради.

Таълимни амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

– таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устуворлигини таъминлаш;

– таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;

– таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;

– таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Мана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги **тавсияларни** амалий фаолиятга жорий этиш зарур, деб ҳисобладик:

1. Фалсафа фанини янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг самарали шакл ва услубларини жорий этиш уларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этишга олиб келади.

2. Фалсафа фанини ўқув-тарбия жараёнларига илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил этиш муваффақиятлар гаровидир. Бунда фандан барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама фикр юриштишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётини тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

3. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва дарсдан ташқари ишлар модулли ёндашув, замонавий хорижий тажрибалар ва педагогик технологияларни қўллаш кўринишида, илмий-назарий, илмий-методик ва маърифий-маънавий жиҳатдан тўлақонли бажарилганидагина юксак педагогик самарани бериши мумкин. Бунда, албатта, фан мавзуларини ҳисобга олган ҳолда кейс-стади методи, ўқув-лойиха методи асосларида ташкил қилинадиган машғулотлар кўзда тутилади.

4. Фалсафий фанлардан дарс беришда педагогик технологияларни қўллаш таълим ва тарбия берувчининг мукамаллик даражасидаги педагогик маҳорати ва касбий салоҳияти талаб қилинади.

5. Кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди.

6. Таълим ва тарбиянинг сифат ва самарадорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу борада ягона ва қудратли тавсия ёки йўл-йўриқ бериб бўлмайди. Ҳаттоки, замонавий педагогик ёки ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам фойдалана билишнинг ўзига хос ва ўзига мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак.